

**ҚУВАСОЙ ТАДБИРКОРЛИК ЎҚУВ ИЛМИЙ
ИШЛАБ ЧИҚАРИШ МАРКАЗИ**

МАМАТҚУЛОВ О.

СОЦИАЛ ИҚТИСОДИЙ СТАТИСТИКА

Олий ўқув юртлари талабалари учун ўқув кўлланма
сифатида мўлжалланган.



Фарғона - 2001 йил.

**ҚУВАСОЙ ТАДБИРКОРЛИК ЎҚУВ ИЛМИЙ
ИШЛАБ ЧИҚАРИШ МАРКАЗИ:**

МАМАТҚУЛОВ О.

**СОЦИАЛ ИҚТИСОДИЙ
СТАТИСТИКА**


**Олий ўқув юртлари талабалари учун ўқув қўлланма
сифатида мўлжалланган.**



Фарғона - 2001 йил.

Тузувчи: физика математика фанлари номзоди, доцент
МАМАТҚУЛОВ О.

СОЦИАЛ ИҚТИСОДИЙ СТАТИСТИКА
(Ўқув қўлланма) Фаргона 2001 й.



Қўлланма Ўзбекистон Республикаси «Гаълим тўғрисидаги»
қонуни, ҳамда «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» асосида
ёзилган.

Қувасой тадбиркорлик ўқув илмий ишлаб чиқариш Мар-
казининг Илмий Кенгаши томонидан иқтисод йўнилишидаги
таалabalari учун ўқув қўлланма сифатида тавсия этилган.

Тақризчилар: иқтисод фанлари кандидатлари,
Б.Холмирзаев, М.Г.Тожибоев,
физика математика фанлари номзоди,
доцент *А.Юсупова*

МАВЗУ - 1. СОЦИАЛ (ИЖТИМОЙ) - ИҚТІСОДИЙ СТАТИСТИКА ПРЕДМЕТИ

РЕЖА:

1. Ижтимоий - иқтисодий ахборотлар ва статистика.
2. Ижтимоий - иқтисодий статистика фанни предмети ва вазифалари.
3. ИИС шинг ўрганиш усуллари.
4. ИИС шинг бошқа иқтисодий фанлар билан алоқадорлиги.

1. ИЖТИМОЙ – ИҚТІСОДИЙ АХБОРОТ ВА СТАТИСТИКА

Халқ хўжалигини бошқариш ва унинг қонуниятларини тафаккур қилиш учун унинг тармоқларида ва атрофига хўжалик ривожланиши ижтимоий ва техник жиҳатларини ўзида акс эттирувчи ахборотлар керак. Бу ахборотларни тўплаш, қайта ишлани ва уларни истеъмолчиларга тақдим этиш ижтимоий – иқтисодий ахборотлар тизими функциясини ташкил этади. У ахборотларни йигиши, ишлаб чиқиш ва уни қайта ишланишини кузатишни ташкил этишини бошқариш тизимини барча бўғиниларини бирлаштиради.

Амалда ахборотлар ҳисобот ва статистика тизимига нисбатан йигилади ва ишлаб чиқилади. Булар мос равишда ҳисобот статистика маълумотлари дейилади. Ҳисоблаш турлари учхил бўлади:

- 1) оператив (амалий), (оператив – техник) ҳисобот;
- 2) бухгалтерия ҳисоби;
- 3) статистик ҳисоб.

Оператив ҳисобот вазифасига қүйидагилар киради:

1. Хұжалик фаолиятидаги бажарылған ишларни күзатиш, үлчаш, актларни хұжжатлар асосыда қайд қилиш.
2. Бошлангич маңымумотларни ишлаб чиқиши, түйлаш ва уларни оператив бөшқариш әхтиёжлари үчүн күндириш. Бирок, бошлангич хұжжатларда мұассаса ва ташкилотларни оператив бөшқарниш ва назорат қилиши учун керак бўладиган баъзи бир фактлар асек этиади холос. Буидан оператив ҳисоботининг ўзи ижтимоий ишлаб чиқариши хақида маъумот беролмайди.

Масалан: Оператив ҳисоб мислий даромад ёки аҳоли әхтиёжи ҳақида маъумот ҳисобот беришга қодир эмас.

Бухгалтерия ҳисоботининг вазифасига корхона ва мұассасалар орасидаги, улар ва алоҳида шахслар орасидаги ҳисоб китобларининг түгри бажарылышини таъминлаш ва ижтимоий мулкчиликни сақлаш киради.

Үннинг маъумотлари корхона вамиуассасалар хұжалик маблаглари харакатини, уларниң тақсимлаш, бу маблаглар манбағстари, хұжалик фаолияти натижалари ва харакатларини аниқлаши учун маъум түрухларга ажратылиб ўрганилади. Бухгалтерия ҳисоби оператив ҳисоб маъумотларига асосланади ва ўз наебатида статистика ҳисоби талабларини күзда тутади.

Статистиканинг вазифасига халқ хұжалиги ва жамияттегі бутуннича ривожланиши ва холатини ўзиди асек этирувчи соңғы маъумотларни қабул қилиш ва уларни таҳлил қилиши киради. Статистика оператив ва бухгалтерия ҳисботи маъумотларига, иқтисодда ва жамият хәётидаги жараёнлар ва томонларни мустақил күзатиш натижаларига асосланади.

Шундай қилиб, юқорида санаб ўтилған ҳисоб турлари жамият ишлаб чиқарыши жараёнлари ҳақидағы амалий маъумотлар умумлантирилған учта ўзаро чамбарчас боғланған

маълумотлар тўпламини ўзида акс эттиради.

Шунинг билан бирга статистика ўзининг методологик та-
блаларига, ҳисобнинг бошқа кўринишларига ва уларнинг сон-
ли маълумотларига бўйсунувчи олий погона ҳисобланади.

2. ИЖТИМОЙ – ИҚТИСОДИЙ СТАТИСТИКА- НИНГ ПРЕДМЕТИ ВА ВАЗИФАЛАРИ

Ижтимоий – иқтисодий статистика мустақил фан сифа-
тида шаклланиши нисбатан узоқ тарихга эга эмас. Унгача ом-
мавий жараёнлар ва ходисалар, маълум жамиятнинг муносабатларини миқдорий томонларини ўрганувчи мустақил фанлар
иқтисодий статистика, ижтимоий статистика, демографик ста-
тистикаларнинг таркибида ўрганилар эди. Фанлар интеграция-
си, иқтисодий ва ижтимоий жараёнлар ҳамда уларнинг ўзаро
алоқалари комплексини биргаликда ўрганиш зарурати, бу жа-
раёнларнинг тез ривожланиши ижтимоий – иқтисодий стати-
стикани мустақил фан сифатида шаклланишини юзага келти-
ради.

Шундай қилиб ижтимоий – иқтисодий статистика ом-
мавий ижтимоий ва иқтисодий процесслар миқдорий томон-
ларини ўрганади. У жамият ишлаб чиқариш кучлари, ишлаб
чиқариш ва бошқа ижтимоий алоқаларни биргаликда қараган
ҳолда жамиятнинг такрор ишлаб чиқариш жараёнларини
ўрганади.

Мустақил фан сифатида ижтимоий – иқтисодий стати-
стиканинг асосий вазифаси жамият такрор ишлаб чиқарини
жараёнлари масштаби, даражаси, суръати ва унинг ривожла-
ниши пропорцияси (мутаносиблиги), ҳалиқ хўжалигининг тузи-
лиши ва жамиятнинг ижтимоий структурасини характерловчи
кўрсаткичлар тизимини ўлчаш (ҳисоблаш) усуллари (мето-
логиясини)ни ишлаб чиқаришдан иборатdir.

3. ИЖТИМОЙ - ИҚТІСОДИЙ СТАТИСТИКАНИНГ ҮРГАНИШ УСУЛЛАРИ

Жамият тараққиётининг статистик шүктан назаридан үрганиш назарий статистиканинг маҳсус методлари ёрдамида ташкил этилади. Бундай методлар гурухи (классификацияси) бир жиссли объектлар ва жараёнларни ўзида акс эттирувчи кўрсаткичлар ахборотларини тўплаш, гуруларга ажратиш ва уларни бир - бири билан таққослаш имконини яратади.

Тизимдаги алоҳида кўрсаткичлар ўзаро боғланнишларни кўрсатувчи ижтимоий - иқтисодий статистикадаги энг муҳим ва кең тарқалган баланс (мувозанат) усулидир.

$$|\Pi_{6n} + \text{кирим -чиқим} = \Pi_{on}|$$

Баланс методи қўлланилишининг маҳсус хусусияти шундан иборатки, у маңба составини ифодаловчи, фойдаланиш йўналиши ва келиши, кўрсаткичлар мазмунидан келиб чиқиб, ҳисобланадиган кўрсаткичларининг тўғрилиги ва мувофиқлиги ни текниришга имкон берадиган кўрсаткичлар гуруларга ажратиб ҳисобланади.

ИЇС да груруҳланиш, қисем иисбий кўрсаткичларини ҳисоблаш, солиштириш, ўртача миқдорлариниг турли кўринишлари, индекслари ва х.к.лар кеңг қўлланилади.

Такрор ишлаб чиқариш бўғинларини ўзаро бөгловчи методининг моҳияти шундан иборатки, у иккита миқдорий кўрсаткичларни уларнинг муносабатлари орқали боғлайди.

Масалан: маҳсулот кўрсаткичлари ва уни ишлаб чиқариш вақти - меҳнатининг ишлаб чиқарниш кўрсаткичи; тошина - қм. даги юқ обороти ва тошинадан юқ ташниш ҳажми - юқ ташниш ўртача узоқлиги ва х. к.

Мураккаброқ кўп ўлчовли масалаларда кўрсаткичлариниг ўзаро бөглиқлиги ўрта қиймат катталикларини баҳолаш (тор-

тиш) ва қайта баҳолаш (тортиш) ва алгебрадаги матрицалар қоидалари ёрдамида амалга оширилади.

Халқ хўжалиги ривожланиши динамикасини (ривожланиши, ўсиши) анализ қилиш методлари ҳисобланади.

Халқ хўжалиги ривожланиши асосий қонуниятларини ижтимоий иқтисодий жараёнларини характерловчи, кўрсаткичлар ўзаро чамбарчас боғлиқлигининг миқдорий баҳоларини статистик анализ қилишда группалаш, регрессия ва корреляцион анализ, дисперцион анализ ва бошқалар кенг қўлланилади. Математик ва статистик методларни амалиётга кенг тадбиқ этилиши электрон ҳисоблаш машиналарининг тадбиқлари масштабларини кенгайтириши ва автоматик информацион тизимини ташкил этиш истиқболларини очиб берди.

Хозирги пайтда статистиканинг асосий кузатиш методи статистик ҳисботлар бўлиб, улар корхоналар ва ташкилотлар томонидан оператив ва бухгалтерия ҳисботи ахборотлари асосида тузилади.

4. ИЖТИМОИЙ - ИҚТИСОДИЙ СТАТИСТИКАНИНГ БОШҚА ИҚТИСОДИЙ ФАНЛAR БИЛАН АЛОҚАДОРЛИГИ

ИИС нинг бошқа иқтисодий фанлар билан алоқадорлиги унга берилган таъриф, унинг предмети ва методларидан келиб чиқади. Бозор иқтисодиётининг бош масаласи ҳамма иқтисодий фанлар циклининг асоси сифатида жамият ишлаб иқаришини маълум ўзига хос объектив қонуниятларини ўрганишдан иборат. ИИС бозор иқтисодиётининг назарий низомларига амал қиласди, статистик кўрсаткичлар тизимини ва ўзининг методларини ишлаб чиқишида, шунингдек, иқтисодий ва ижтимоий жараёнларни миқдорий анализ қилишда улардан фойдаланади.

Бозор иқтисодиёти фани ўзининг тадқиқотларида, албатта, статистик ахборотлардан фойдаланади. Унинг ютуқлари

жамият такрор ишлаб чиқариши қонуниятларини ўрганишда статистик ахборотларнинг хажми ва сифатига кўпроқ боғлиқдир.

Иқтисодий назария жараёнлари ўзаро боғлиқлигини текширишда иқтисодий - математик моделлардан фойдаланади.

Улар маъум жараённи миқдорий жиҳатдан характерлаш учун уларни конкретлаштириш (ошкорлаштириш) керак бўлади.

Бу вазифани ижтимоий - иқтисодий статистика ҳал этиди. Бошқача қилиб айтган ИИС бошқарув тизими манфаатларини, шунингдек илмий тадқиқотлар манфаатларини мўлжаллаган ҳолда ҳамма иқтисодий ва ижтимоий жараёнларни тўғри акслаштиришни таъминлаши керак.

ИИС ҳалқ хўжалигини планлаштириш назарияси билан чамбарчас алоқадордир. Мамлакатнинг иқтисодий ва ижтимоий ривожланиши плани иқтисодий ривожланиш мақсадида уларниң ютуқлари учун турли маблаг ва ресурслар тақсимоти асосида шаклланади.

МАВЗУ 1 га ҚЎШИМЧА.

Статистика - (лат. Статус - давлат)

I. Жамият хаётининг миқдорий қонуниятларини ифодаловчи информациини олиш, ишлаш ва анализ қилишдан иборат ижтимоий фаолиятнинг тури. Бу информация жамият хаётининг турли соҳалари (техник - иқтисодий, социал - иқтисодий, социал - сиёсий ходисалар, маданият) билан бирга унинг сифат таркибини ҳам акс эттиради. Бу маънода статистика тушунчаси статистик учёт тушунчасига тўғри келади, яъни у мустақил жамият шароитида ҳалқ хўжалиги учётининг муҳим турларидан ҳисобланади. Ҳалқ хўжалиги аҳамиятига эга бўлган бухгалтерия ва оператив учёт йўли билан тўплана-

диган ахборотнинг барчаси статистика ёрдамида ишланади ва анализ қилинади.

2. Оммавий миқдорий муносабат ва ўзаро алоқаларни ўлчаш ва анализ қилишнинг умумий масалаларини ўрганиувчи ижтимоий фанлар тармоғидир. Тор маънода статистика сўзи бирор ҳодиса ёки жараён ҳақидаги малумотлар мажмунини англатади. Табииётшунослик фанларида статистика тущучаси эҳтимоллик назарияси методини қўйлашга асосланган оммавий ҳодисаларни анализ қилишни билдиради.

Фан сифатида статистикага XVII - асрнинг охирида инглиз олими У. Нетти асос солди. XIX - аср иккинчи ярми ва XX - аср бошларида статистика тез ривож топди. Бу даврда турли хил рўйхат ва дадқиқотлар ўтказилди, биринчи навбатда аҳоли рўйхати ўтказадиган давлат статистика ташкилотлари такомиллашди.

Математиканинг бир қисми бўлган маҳсус фан - математик статистика вужудга келди. Бу даврга келиб статистик назария ва методологиянинг принципиал масалалари кўриб чиқилди ва статистиканинг вазифалари белгилаб берилди. Статистика фани халқ хўжалигини планлаштириш билан узвий боғлиқ бўлиб, умум халқ характеристига эга, у қатъий марказлашиш асосида қурилган.

Мамлакат бўйича информаяцияларни йигини, ишлаш ва анализ қилиш ягона принципи, умумий методология бўйича давлат статистика вазирлиги раҳбарлигига давлат ташкилотлари томонидан амалга оширилади.

Статистика вазирлигининг асосий вазифалари давлат ресжаларини бажарилишини, халқ хўжалиги ва маданиятининг ўсишини, халқ хўжалигидаги моддий резервлар ва улардан фойдаланишини, халқ хўжалигига турлари тармоқлари тараққиётидаги нисбатни кўрсатувчи аниқ илмий асосланган ахборот

ларни давлат ташкилотларига ўз вақтида тақдим этишдан иборатдир.

Ҳозирги замон статистикасининг техник баъзасининг биринчя ҳисоблаш марказлари, инфомрация ҳисоблаш ва машина счёт станциялари ташкил этади. Кибернетиканинг тез ривожланиши ва электрон ҳисоблаш техникасидан фойдаланиш статистика ишларини ташкил этишга катта таъсир кўрсатди. Автоматлаштирилган давлат статистикаси системасининг ташкил топиши учуннинг аналитик имкониятларини кўпайтиради ва чуқурлаштиради.

Статистика фан сифатида катта назарий ва амалий аҳамиятта эга, ундан фан ва турмушнинг турли соҳаларида кенг фойдаланилади. Умуман сиёсий - иқтисодий статистика ижтимоий билимнинг энг қудратли қуролларидан биридир.

Ижтимоий қонуниятларни аниқ тавсифлаш ва ўлчаш - статистиканинг мухим вазифаларидандир. Бундан ташқари, статистик методология кўпдан - кўп факторлар мажмунини тадқиқ қилишга, жараённи бутунича тасвирлашга, турли туман ходисаларнинг тараққиёт тенденцияларини эътиборга олишга имкон беради. Бунда статистика учун катта сонлар қонуни ҳам мухим аҳамиятта эга.

Статистикада статистик кузатиш усуллари (жамланма методи, ёппасига кузатиш ва б.) дан ходиса, объектни ва ялнисига нарса - ходисалар мажмунини ҳар томонлама ифодалайдиган кўрсаткичлар системасидан (мас. баланс методидан), статистик гурухлаш натижаларини ўз ичига олган умумий, гурухий ва бошқа методлардан фойдаланилади.

Масалан: ёппасига кузатишда ўрганилаётган объектининг элементлари текширилади. Бунга аҳоли рўйхати мисол бўла олади.

Танлаб кузатишда ўрганилаётган объектининг барча элементлари эмас, балки маълум йўл билан танлаб олинган қисмигина тадқиқ этилади. Танланган элементлар қўйидаги икки

шарт мавжуд бўлгандағина обьектнинг барча элементларини (бутун обьектни) старлича аниқ ифодалай олади: Бутун обьектда мавжуд бўлган қонуниятларнинг номоён бўлиши учун мазкур элементлар етарлича кўти бўлиши керак; бу элементлар, тадқиқотчиларнинг хоҳишидан қатъий назар обьектив тарзда ташланиши керак.

Баланс методи ресурсларнинг ўзаро боғлиқлигини ва улардан фойдаланиш йўлларини кўрсатади ҳамда такror ишлаб чиқарини жараёнидаги мутаносиблигини, ўзаро боғлиқликни аниқлаиди. Харқандай баланс кирим ва чиқим балансидан ташкил топади.

Кирим қисемида барча ресурслар (йил бошнадаги запаслар, ишлаб чиқарини, импорт ва б.). чиқим қисемида эса фойдаланилган барча воситалар (ишлаб чиқарини эктиёжи учун, ишлаб чиқарини соҳасига кирмайдиган истеъмол учун, экспорт резервлар ва бошқалар учун қилинган сарфчлар) ва йил охириданги запаслар ҳисобга олинади.

Статистик гуруҳлаланида статистик маълумотлар ишлаб чиқилади ва анализ қилинади, бунда ўрганилаётган ходисалар тўплами маълум белгилари бўйича бир хил гуруҳларга ва гуруҳчаларга бўлинади ҳамда уларни ҳар бири статистик кўрсаткичлар билан ифодаланади.

Бу метод ҳалқ хўжалиги планларининг бажарилишини анализ қилишида, айрим корхона ва тармоқларининг орқада қолиши сабабларини аниқлашида, фойдаланилмаган резервларни топишда қўлланилади. Тармоқ (саноат, қишлоқ хўжалиги, қурилиш, транспорт, алоқа, демография, меҳнат ва бошқалар) статистикаси кўрсаткичлари системасини ўрганади, ҳалқ хўжалиги муайян тармоқларини социал - иқтисодий жараёниларини анализ қиласди. Социал статистика деган янги фан ҳам шаклланана бошлади, у турмуш тарзини ва социал муносабатлардаги турли қарашларни ифодалайдиган кўрсаткичлар системасини ўрганади.

МАВЗУ 2. ИЖТИМОИЙ - ИҚТИСОДИЙ СТАТИСТИКАНИНГ АСОСИЙ КҮРСАТКИЧЛАРИ ТИЗИМИ

Режа:

1. Күрсаткичлар тизими хақида тушунча.
2. Ишлаб чиқариш жараёнлари ва унинг асосий элементлари.
3. Ишлаб чиқариш жараёнлари ва элементлари ўртасидаги боғланишлар.
4. Ижтимоий - иқтисодий күрсаткичлар ва уларни гурӯҳлаш.

1. КҮРСАТКИЧЛАР ТИЗИМИ ХАҚИДА ТУШУНЧА

Маълумки иқтисодий ёки ижтимоий обьектнинг ҳамма хоссаларини характерловчи, бошқариш ва илмий тафаккур учун муҳим бўлган миқдорлар тўплами берилган обьект күрсаткичлар системаси дейилади.

Күрсаткичлар системасининг мазмунни обьект табиати ва унинг ёрдамида очилаётган комплекси билан аниқланади. Ишлаб чиқариш тармоғи ва ташкилий ҳалқ хўжалигини ривожлантирувчи ва тўлиқ таркибий қисми бўлгани учун уларни характерловчи күрсаткичлар системаси билан узвий боғлиқ бўлади.

Масалан: 1) Вариация күрсаткичлари - белгининг вариацияси (офиш, тебраниш даражаси) ўлчовини билдиради. Унга вариация қадами, ўрта қийматдан оғиш, ўрта квадратик оғиш, оғиш квадратининг ўртачаси (дисперсия), вариация коэффициентлари киради.

2) Янги техникани тадбиқ этиш күрсаткичи - янги техникани ҳалқ хўжалигига тадбиқ этиш масштабини ва тезлиги

даражасини характерлайди.

3. Мөхнат шарти күрсаткичи - ишлаб чиқаришни техника билан таъминланганлиги, санитар - гигиеник холатларни ва ишлаб чиқаришга, иш қобилиятига ва инсон саломатлигига таъсир этадиган омилларни характерлайди.

Унга ишчилар сони (механизациялашган ва қўл кучи билан ишлайдиган ва х. к.)лар киради.

2. ҚАЙТА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ЖАРАЁНЛАРИ ВА УНИНГ АСОСИЙ ЭЛЕМЕНТЛАРИ

Жамоат қайта ишлаб чиқариш жараёни, маълумки, қўйидаги асосий тушунчалар билан ифодаланади: аҳоли, жумладан унинг актив қисми - мөхнат ресурслари (заҳиралари); моддий ресурслар, жумладан ишлаб чиқариладиган ва ишлаб чиқарилмайдиган, (табиий ресурслар). Ишлаб чиқариладиган ресурслар бир вақтнинг ўзида маҳсулот бўлиб ҳам ҳизмат қиласади.

Маҳсулотлар иқтисодий нуқтаи назардан мөхнат воситаси, мөхнат ва истеъмол предметларига бўлинади. Фойдалатилётган табиий ресурслар ҳам ҳизмат қиласади.

Маҳсулотлар иқтисодий нуқтаи назардан мөхнат воситаси, мөхнат ва истеъмол предметларига бўлинади. Фойдалатилётган табиий ресурслар ҳам мөхнат предмети бўлиши мумкин.

Шунинг билан бирга мөхнат фаолияти натижалари ишлаб чиқарувчи ва ишлаб чиқарилмайдиган ҳизматларга бўлинади.

Асосий жараёnlар сифатида энг аввало тақорорий ишлаб чиқариш фазаларга (даврларга) бўлинади: ишлаб чиқариш, тақсимлаш, алмаштириш (муомала) ва истеъмол қўлини. Истеъмол эса, ишлаб чиқарилмайдиган ва аҳолининг шахсий талабларига бўлинади. Шунингдек ишлаб чиқариш жараёни ишлаб чиқариш моддий ресурслари ва ишчи кучига бўлган талаб-

лари билан бирлашиб кетади. Бу қитисодий жараёшлар шахсий талаблар билан боғлиқ бўлган аҳоли тақрор ишлаб чиқариш жараёни билан тўлдириб борилади.

Ишлаб чиқариш фазалари ишлаб чиқарини кучлари ва ишлаб чиқариш муносабатлари орқали амалга оширилтади. Моддий неъматларнинг тақсимоти ишлаб чиқариш кучлари ва ишлаб чиқариш муносабатлари орасидаги оддий фаза бўлиб қолмай. Ишлаб чиқаришнинг ўзини мұхим моментини ташкил этади. Шунингдек қолган жамоат маҳсулотлари улардан ўтадиган ишлаб чиқарини фазалари ҳам асосий ишлаб чиқарини жараёшини ташкил этувчилардир.

3. ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ЖАРАЁНЛАРИ ВА ЭЛЕМЕНТЛАРИ ОРАСИДАГИ БОҒЛАННИШЛАР

Халқ хўжалигидаги қайта ишлаб чиқариши жараёни статистикасининг асосий текширадиган (ўрганадиган) обьекти бўлиб ҳизмат қиласиди.

Технологик ишлаб чиқарини процеслари (ишлаб чиқарини истеъмоли), шахсий истеъмоллар (аҳоли ишлаб чиқарини ва меҳнат ресурслари), шунингдек ишлаб чиқармайдиган хизматларни ташкил этувчи, ишлаб чиқармайдиган қатламдан иборат.

Такрор ишлаб чиқариш аҳолига табиий ресурслар, меҳнат воситалари ва предметлари шунингдек меҳнат ресурслари киради.

Халқ хўжалигига асоссан ишлаб чиқариладиган ва ишлаб чиқарилмайдиган оқимлар, тармоқлар ва фаолиятлар турлари бўйича экспорт ва импорт оқимлари ҳам ҳисобга олинади. Моддий ноз - неъматларни тақсимлаш жараёни қўйидагилардан иборат: финанс (молия), кредит системаси бўйича қайта тақсимлаш, аҳолининг провард даромади ва уни тақсимлаш, ишлаб чиқармайдиган бўгинлар харажати, ишлаб чиқармайдиган бўгинлар даромади ва х. к.

4. ИЖТИМОЙ - ИҚТІСОДИЙ КҮРСАТКИЧЛАР ВА УЛАРНИ ГУРУХЛАШ

Қаралаёттан объект ёки унинг хоссасининг миқдорий характеристикасини берувчи тұла аниқланған үзгарувлы миқдор шу объектнинг күрсаткичі дейилади.

Күрсаткич атамасына киравчы маңында эга бўлган белгилар тўплами унга сифатли аниқлик киритади.

Масалан: күрсаткичининг номига “Ишловчиларнинг ўртача рўйхати сони” маңында эга бўлган ўлчов объектини аниқлайдиган, ўлчанадиган хосса (холат, жараён) ва унинг конкрет характеристини аниқлайдиган “ишловчилар” “ўртача рўйхат” белгилари киради.

Күрсаткич номига кирадиган белгилар унинг тушунча сифатида хажмини аниқлайди.

Масалан: “Ишловчиларнинг ўртача рўйхатдаги сони” күрсаткичи тушунча хажми жихатидан “ишчиларнинг ўртача рўйхатдаги сони” тушунчасидан кенгdir. Чунки ишчилар, ишловчилар категориясининг бир қимидir.

Тушунчаларнинг хажми күрсаткичларни солиширишда муҳим рол ўйнайди. Ҳар бир күрсаткичга аниқ ҳисоб - китоб методи, уни ўлчаш ёки ҳисоблаш усули мос келади.

Ўлчаш методологияси ижтимоий - иқтисодий күрсаткичларининг муҳим хусусиятларидан бўлиб, уларни сиёсий иқтисоддаги тушунчалар ва категориялардан ажralган холда күрсатади.

Статистиканинг муҳим вазифаси шу категорияларни миқдорий күрсаткичлар билан ифодалашдан иборатdir.

Масалан: сиёсий иқтисоддаги “Меҳнат унумдорлиги” тушунчаси ўрнига иқтисодий статистика ялпи ишлаб чиқарилган маҳсулотни ишловчиларнинг ўртача рўйхати сонига нисбати билан ўлчанадиган “бир ишловчига тўғри келадиган ялпи маҳсулот” ёки “битта ишловчига ишлаб чиқарилган соғ маҳсулот” ва х. к. тушунчаларини мос қўяди.

Статистик кўрсаткичлар ҳамма вақт тўғланади у ёки бу сифат белгилари билан ажратилган иқтисодий обьектлар, ходисалар ёки фактларни характеристикаларини ўлчайди.

Ижтимоий - иқтисодий статистиқанинг кўрсаткичлари қуёйидаги муҳим белгилари билан гуруҳларга бўлинади. Аввало умумий статистика назарияси ишлаб чиқсан кўрсаткичлар гурухланишини ижтимоий - иқтисодий статистика кўрсаткичларига тўлиқ тадбиқ этиш мумкин. Буларга холатлар ва харатклар; моментлар ва интерваллар; абсолют хажмлар, нисбий частоталар ва ўрга қийматларнинг турли кўрсаткичлари киради. Буларга ижтимоий - иқтисодий статистикага хос бўлган кўрсаткичлар гуруҳлари ҳам қўшилади. Кўрсаткичлар ўлчов бирлиги беғиси бўйича натурал бирликлар ўлчанувчи натурал ва шундай ифодаси билан ўлчанадиган қийматли (нархли) кўрсаткичларга бўлинади.

Натурал кўрсаткичлар асосан халқ хўжалиги структурасидаги технологик - ишлаб чиқариш жараёнлари даражаси ва обьектларни характерланиш учун қўлланилади. Буларга захира-лар (моддий бойликлар запаслари), моддий маҳсулотлар ва меҳнат ресурсларининг хажмлари киради.

Нархли кўрсаткичлар эса моддий маҳсулотлар таҳсимот даражасига оид жараёнларни, икки даражада орасидаги боғланиш, технологик - ишлаб чиқариш даражаси характерини аниқлаш учун ишлатилади. Бу холда пуллик баҳо турли жинсдаги натурал кўрсаткичларнинг ўлчовдошлик воситаси сифатида фойдаланилади.

Ижтимоий - иқтисодий статистика кўрсаткичларини асосий гурухланиши обьектлар ва жараёнларнинг мазмуни бўйича яъни уларни тўлиқ характерлайдиган (тавсиялайдиган) калссификациялардан иборатdir. Бу белгилар бўйича гуруҳлар тузилишини халқ хўжалиги структураси схемаси асосида кўрсатиш мақсадга мувофиқдир. Бу гурухланишда асосий белги (омил) - обьект кўрсаткичларини ифодаловчи - тақорорий

ишилаб чиқариш элементидир.

Иқтисодий статистика күрсаткычларини характерлайдиган омиллар: 1) Аҳоли. 2) Миллий бойлик. 3) Ижтимоий махсулот.

1. Аҳоли күрсаткычига, харакати, холати.

- а) меҳнат ресурслари, холати, харакати, фойдаланиши.
- б) ижтимоий муамалалардаги аҳоли.

2. Миллий бойлик.

- а) табиий ресурслар, холати, харакати, фойдаланиш.
- б) асосий фонdlар холати, харакати, фойдаланиш.
- в) асосий жихозлар (оборудование), холати, харакати, фойдаланиши.
- г) меҳнат предметлари ва моддий заҳиралар холати, хракати ва фойдаланиши.


3. Ижтимоий махсулот, уни ишилаб чиқариш, мумомала, тақсимлаш, провард фойдаланиш.

- а) тақсимот, дастлабки тақсимот, жорий материал харакати, амортизация, миљлий даромад, меҳнатга хақ тұлаш, соф фойда, қайта тақсимлаш, соф даромадни тақсимлаш, молия ва кредит ва х. к.

МАВЗУ 3. АҲОЛИ СТАТИСТИКАСИ.

РЕЖА:

1. Аҳоли статистикасининг вазифалари ва предмети.
2. Аҳоли сонини ўрганиш ва уни жойлаштириш.
3. Аҳолининг асосий гурухлари.
4. Аҳоли харакати табиий үсишини ўрганиш.
5. Аҳоли меҳнат харакати орқали ўрганиш.
6. Аҳоли сони истиқболини белгилаш.



1. АҲОЛИ СТАТИСТИКАСИННИГ ВАЗИФАЛАРИ ВА ПРЕДМЕТИ

Аҳоли статистикаси статистика фани тармогининг энг қадимгиси ҳисобланади. Қадимда аҳолини ҳисобга олиш ҳарбий ва хўжалик ишларини назарда туттган ҳолда олиб борилган.

Дастлабки аҳоли ҳақидаги маълумотлар аҳоли тутилиши ва ўсиши ва оммавий ахборотларининг маълум қонуниятларини юзага келтириши мақсадида ўрганилган. Хозирги замон аҳолини ўрганиши статистикаси ўз мавқеини мустахкамлаб, биринчи даражали аҳамият касб этди.

Аҳоли - жамият ишлаб чиқаришининг бош мезони ва унинг энг қимматли бойлиги ҳисобланади. Шундай қилиб, аҳоли ишлаб чиқариш жараёнининг бевосита иштироқчиси ва бу процесс натижаларининг истеъмолчиси ҳамdir.

Аҳоли статистикасининг ўрганиши обьекти сифатида маълум ҳудудда яшовчи ва тутилиш ҳамда ўлиш натижасида доим узулукесиз янгиланиб турувчи кишилар тўпламини ўзида мужассамлаштиради. Аҳоли ўзининг состави бўйича биржинсли бўлмаган ва замонда ўзгариб турувчи омилdir.

Аҳолини, унинг ривожланиш ва состави бўйича ўзгариш қонуниятларини конкрет тарихий шароитни ҳисобга олган ҳолда амалга ошириш керак. Давлат аҳоли статистикасининг асосий вазифалари қўйидагилардан иборат: 1) аҳоли сони ва унинг Республика ҳудудларида жойлашишларини аниқлаш, 2) аҳоли составини ўрганиш (жинси, ёши, маълумоти, ижтимоий ахволи ва бошқалар), 3) аҳоли табиий характеристини ўрганиш (тутилиши, вафоти, аҳолининг ўсиши, никоҳ ва ажралишлар), 4) аҳоли миграцияси (аҳолининг механик характеристи)ни ўрганиш.

Аҳоли статистикасида кузатиш бирлиги аввало индивидум сифатида алохида олинган одам ҳисобланади. Бироқ баъзи бир ҳолларда куватиш бирлиги бўлиб оила ҳисобланади.

Статистикада оилани қузатаётганда алоҳида ўзига хос хуссий масалалар ҳал қилинади: оилалар сонини, ҳар ҳил кўрсаткичлар бўйича уларнинг состави (оила аъзосларининг сони, ижтимоий гурӯхлар бўйича), оила даромадлари, яшаган шаронслари ва бошқалар аниқланади.

Оилаларни текширишда, алоҳида гурӯхлар, масалан, ёш оилалар ўрганилади.

Аҳоли статистикасининг асосий манбай жорий ҳисобот, ёппасига ёки рўйхатга олиш ҳисобланади. Аҳоли хақидаги тўлиқ ва аниқ ахборотни маълум бир вақт оралиғида ўтказиб туриладиган аҳолининг рўйхатга олиш беради. Ремпублика-мизда, умуман собиқ иттифоқда охирги марта 1989 йилда аҳоли рўйхатта олинган.

2. АҲОЛИ СОНИНИ ЎРГАНИШ ВА УНИ ЖОЙЛАШТИРИШ

Статистиканинг муҳим ва биринчи даражали вазифала-ридан бири худудлар бўйича аҳоли сонини аниқлаш ва унинг жойланишини ўрганишдан иборатdir.

Аҳолини рўйхатта олиш маълум вақтда аҳоли сони хақи-даги ахборотни беради. Аҳолининг табиий ва механик характеристи (ўзгариши), олдинги ва охирги аҳолини рўйхатга олиш ах-боротларини солиштириш натижасида аниқланади.

Унда қўйидаги баланс схема қўлланилади: йил бошидаги аҳоли сони + йил давомида туғилишлар сони + йил давомида кўчиб келганлар сони - вафот этганлар сони - кўчиб кетганлар сони = йил охиридаги аҳоли сони.

$$a + b + c - d - e = f.$$

Хисобот давомида доимий яшовчилар ва нақд (налично) яшовчилар ҳисобга олинади. Бундан ташқари вақтинча йўқ кишилар ва вақтинча келиб қолганлар ҳисобга олинади.

Аҳолининг ўртасида сони (S) йицнинг бошидаги аҳоли сони (S_b) ва йил охиридаги аҳоли сонининг (S_o) одатдаги ўрта арифметик қийиматга teng.

$$\bar{S} = \frac{S_b + S_o}{2};$$

Агар бир неча тенг масоффада жойлашган вақтлардаги аҳоли сони маълум бўлганда, аҳолининг йиллик ўртача сонини моментлар қатори учун хронологик ўртача формуласи ёрдамида бир қанча аниқроқ ҳисоблаш мумкин:

$$\bar{S} = \frac{\frac{S_1}{2} + S_2 + \dots + S_{N-1} + \frac{S_N}{2}}{n - 1}.$$

Агар оралиқлар етарли катта бўлган давр боши ва охиридаги аҳоли сони аниқ бўлса, аҳолининг ўртача сони шу даврдаги аҳоли ўсиш сонини шу сонлар натурал логарифмлари ўсиш сонига нисбатан орқали топилади:

$$\bar{S} = \frac{S_o - S_b}{\ln S_o - \ln S_b};$$

Ва иихоят аҳолини рўйхатга олишда шаҳарда ва қишлоқда яшовчилар сони алоҳида аҳамият касб этади. Аҳолининг сони шаҳарлар, вилоятлар, автоном республика ва республика бўйича алоҳида ҳисобга олинади.

Аҳоли сони ҳақида тўлиқроқ маълумотта эга бўлиши учун “аҳоли зичлиги” тушунчаси киритилади.

Аҳолининг зичлиги берилган худудда яшовчи аҳоли сониши шу худуд майдони (квадрат метрда)га нисбат билан топилади.

3. АҲОЛИНИНГ АСОСИЙ ГУРУҲЛАРИ

Аҳоли статистикасини ўрганиш жараёнида унинг составини (ўрганишда) таҳлил этишда, аҳоли кўп беътилари бўйича гурӯҳларга ажратмай ўрганиш маънога эга эмасдир.

1. Аҳоли статистикасида фойдаланиладиган дастлабки гурӯҳланишлардан бири аҳолини ижтимоий состави бўйича группалашдир. Бундай гурӯҳланишларга: ишчилар; хизматчилар, колхозчи деҳқонлар; фермерлар, кооперативлашган хунармандлар, якка деҳқон шахсий мулк эгалари ва бошқалар киради. Шунингдек хозирги замон статистикаси аҳоли ижтимоий гурӯҳларига мустақил фойда олувчилар пенсионерлар (нафақа хўрлар), ўқувчи - степендиатлр, харбий хизматчиларни ҳам эътиборга олади. Болалар, ишламайдиган аёллар ўз боқувчилари гурӯҳига киради. Пенсиячилар, пенсиягача қайси гурӯҳга мансуб бўлса ўша гурӯхга кирадилар. Ўқишга киргунча ишлаган ўқувчилар ўқишга киргунча қайси гурӯхга мансуб бўлса ўша гурӯхга кирадилар.

Харбий хизматчилар ҳам ўзлари алоҳида гурӯҳ ташкил қилмай, хизматга чақирилгунча қайси гурӯхга мансуб бўлсалар ўша гурӯҳ аъзоси бўладилар.

2. Барча аҳолини гурӯҳларга ажратишида аҳоли статистикасида халиқ хўжалигининг тармоқларида банд бўлган аҳоли гурӯҳлари ҳам қўлланилади. Бу гурӯҳланиш мамлакат ёки алоҳида олинган худудлар аҳолиси иқтисодий харкатери учун муҳим аҳамиятта эга. Масалан: саноатда, қишлоқ хўжалигида, транспортда ва х. к. ларда банд бўлган аҳоли қатламлари.

Ҳар бир гурӯҳлар ичида яна “гурӯҳ ости” гурӯҳларни тузиш мумкин. Масалан: Саноатчиларни машинасозликда, химия саноатида, сингил саноатда ва х. к. ларда банд бўлган гу

руҳчаларга ажратиш мумкин. Бундай гуруҳланишлар асосан ишлаб чиқарувчилар ва ишлаб чиқармовчи шахслар сони х.к. ларни аниқланади.

3. Ўзбекистондек кўп миллатли давлат учун аҳоли миллатлар бўйича гуруҳларга ажратиш ҳам хал қилувчи ахамиятга моликдир. Турли вилоятлар ва автоном республика аҳолининг миллий гуруҳланиши бир - бирига хеч тўғри келади. Маълум худудда аҳолининг миллий составини ўрганиш миллий составхусусиятларини (миллий урф - одатлари) бил боғлиқ бўлган кўп масалаларни хал қилиш имконини беради. Масалан: У ёки бу тилда газета ва журналлар чоп этиши, улига мос келадиган мактаблар, маданий муассасалар ва х.к. ташкил қилиш.

Аҳоли миллий составини ўрганиш асосан аҳоли рўйхатга олиш малъумотларига асосланади. Шунинг бижу бирга ҳар бир сўров қилинаётгани шахс ўзини қайси милла мансуб эканини ўзи белгилайди. Сўров даврида ҳар бир шаҳринг она - тили аниқланади. Лекин миллат масаласи уни тилидан боғлиқ бўлмаган холда тайинланади.

4. Аҳолини демографик (аҳолишунослик) гуруҳла ажратиш, аҳолини жинсларга, ёшига, оиласвий ахволига қаҳгуруҳларга ажратиш.

а) Аҳолини жинси бўйича гуруҳларга ажратиш кеҳ аҳамиятга молик. Мамлакатнинг турли вилоятларида, худудларida эр ва хотин жинсидаги аҳоли тенг ўлчови ёки тарз ўлчови бўлмаган холдаги тасвирини кўрсатади. Бу нисба баъзан шу худуд ишлаб чиқариш иқтисодий йўналиши аниқлайди. Масалан: саноат: кўмир, нефт, металлургия, ўрмоилик ва х.к. ривожланган худудларда одатда эркаклар қиссанг ёки текстил саноати ривожланган худудларда аёғи қисми юқори бўлади.

6) Аҳолининг миллати жиҳатидан ўрганиши одатда ёни тўғрисидаги ахборотлар билан бирга олиб борилади.

Статистикада аҳолини ёши жиҳатидан текшириш кўп масалаларни ҳал этишда ёрдам беради: аҳоли тўрли ёни контингентини аниқлашда (ясли, мактабгача, мактаб, меҳнатта лаёқатли, хизматга чақирилувчилар сони, пенсионерлар, сайлов - сайданиш ёши ва х.к. ларни) аҳамияти каттадир.

в) Аҳолини оиласвий ахволи бўйича ўрганиш ҳам ўзига хос вазифаларни ҳал этишда муҳим рол ўйнайди.

Аввало никоҳдан ўтган ва ўтмаган кишилар сонини аниқлади. Аниқ мақсадларни кўзлаган холда никоҳдан ўтган шахслар групласи ажратилади. Табиий холда қолганлар “никоҳдан ўтмаганлар” гурӯҳини ташкил этади.

4. Аҳоли харакатини табиий ўсишини ўрганиши.

Аҳоли сони доим харакатда, ўзгариб туради. Аҳоли сонининг туғилиши, ўлиш ҳисобига ўзгариб туриши аҳоли сонининг табиий харакати дейилади. Аҳоли харакатининг табиий ўсишини характерловчи асосий кўрсаткичлар: туғилиш, ўлиш ва табиий ўшиш кўрсаткичларидир, шунингдек у никоҳдан ўтиш ва ажралиш кўрсаткичлари билан узвий боғлангандир. Аҳолининг табиий ўшиши туғилишлар сонидан ўлишлар сонини айримасига тенг.

Бироқ аҳоли харакатининг табиий ўсишининг абсолют кўрсаткичлари туғилиш, ўлиш ва табиий ўшиш даражасини характерлай олмайди, чунки улар аҳолининг умумий сонига боғлиқдирлар. Шунинг учун табиий ўсишини характерлашда кўзда тутилган кўрсаткичлар аҳолининг ҳар 1000 кишисига нисбатан ҳисбланади ва нисбий миқдорлар кўришишида ифодаланади. Табиий харакатининг асосий нисбий кўрсаткичлари қўйидагилардан иборат:

1) Туғилиш коэффициенти, 2) ўлиш коэффициенти, 3) табиий ўшиш коэффициенти, 4) никоҳдан ўтишлар коэффициенти, 5) ажралишлар коэффициенти. Бу ҳамма кўрсаткичлар

аҳолининг 1000 кишисига нисбатан яъни промиллеларда ҳисобланади (%)

Туғилиш коэффициенти (K_t) бир йилда туғилишлар сони (N) ни ўртача йиллик аҳоли сони (S) га нисбати қаби ҳисобланади, яъни:

$$K_t = \frac{N}{S} \cdot 1000$$

Ўлиш коэффициенти (K_y) ҳам юқоридаги сингари бир йилда ўлимлар сонини, ўртача йиллик аҳоли сонига нисбати қаби ҳисобланади, яъни:

$$K_y = \frac{M}{S} \cdot 1000$$

Табиий ўсиш коэффициенти ($K_{t,y}$) ни қўйидаги формула ёрдамида ҳисоблаш мумкин:

$$K_{t,y} = \frac{N - M}{S} \cdot 1000$$

ёки туғилиш ва ўсиш коэффициентлар айримаси

$$K_{t,y} = K_t - K_y$$

шаклида ҳисоблаш мумкин.

Худди шунингдек никохдан ўтганлар коэффициенти никохланганлар сонини ўртача йиллик аҳоли сонига нисбатан қаби, ажralишлар коэффициентини эса, ажralишлар сонини аҳоли йиллик ўртача сонига нисбати қаби топилади.

Туғилиш ва ўлишлар орасидаги нисбатни характерлаш учун аҳоли статистикасида туғилишлар сонини ўлимлар сонига нисбати билан ифодаловчи (яшовчаник) кўрсаткичи ҳисобланади.

Ҳамма санаб ўтилган кўрсаткичлар бир йил учун ҳисобланади, лекин каттароқ вақт учун ҳам ҳисоблаш мумкин. Бу кўрсаткичлар маълум ёшдагилар, жинслар, касбдошлар ва

х. к. гурұғлар учун ҳам ҳисоблаш мүмкін.

Түгілшіш жараёнини ўрганишда баъзан 15 ёшдан 49 ёшгача аёлларнинг түгиш сонини, аёллар ўртача сонига нисбати билан ўтчанадиган түгілшішнинг махсус көзғалыулық коэффициенті топырақтастырылады.

Ахоли орасыда ўлиш жараёнини ўрганишда қатор хусусий коэффициентлар ҳисобланады. Булар ичида I ёшгача бўлган болалар ўлими коэффициенти алоҳидан аҳамиятта касб этади. Бу кўрсаткич ҳар бир 1000 та янги түгилган чақалоқдан I ёшгача қанчаси нобуд бўлишини кўрсатади. I ёшгача бўлган болалар ўлимини характерловчи коэффициентини қўйиндаги форм ула ёрдамида топиш мүмкін:

$$K_{6, \text{y.}} = \frac{m}{\frac{2}{3}N_1 + \frac{1}{3}N_0} \cdot 1000$$

Бунда m - I йилда I ёшгача бўлган чақалоқларнинг ўлимини сони, N_1 - жорий йилда түгилган чақалоқлар сони, N_0 - эса, жорий йилдан олдингисида янги түгилган болалар сони.

Бундан ташқари алоҳидан олинган ёшдаги болалар ўлимини характерловчи хусусий коэффициентлар ҳам мавжуддир.

Шунни этиборга олиш керакки, хусусий ўлиш коэффициентларидан ташқари ахолининг умумий вафот этишини характерловчи коэффициентлар кўпинча бошқа факторларга ҳам бояглиқ бўлади: Қайси худудда кексалар салмоги ва янги түгилган болалар сони кўпроқ бўлса, шу ерда ўлиш коэффициенти қолган худудларга қарагандан каттароқ бўлади.

1. Ҳар бир берилган X йил умр кўрувчилар сонини L_X билан белгилаймиз ва уни ҳар 1000 киши ёки 10000 кишига нисбатан топамиз.

2. X ёшдан $x + 1$ ёшга ўтиш даврида вафот этувчилар сони d_x билан белгилаймайз.

3. X ёшидан x + 1 ёшга ўтишда вафот этиш эхтимолини билан бслгилаймиз ва уни қуийдаги қуийдаги формула билади.

$$g_x = \frac{d_x}{l_x};$$

4. Навбатдаги ёшгача яшаш эхтимолини P_x билан бслгилаймиз.

$P_x = \frac{l_x}{l_x}$; мәнгүлум ёшгача яшаш ва вафот этиш эхтимолары $P_x + g_x = 1$, бүлганиңда $P_x = 1 - g_x$ бўлади.

5. X ёшгача яшаганларнинг сони (L_x) ни қуийдаги формула билан топилади:

$$L_x = \frac{l_x + l_{x+1}}{2}$$

6. X ёшдан ω ёшгача кирувчилар сони T_x

$$T_x = \sum_{x}^{\omega} L_x$$

Бу аҳолини ўртача умр кўришини хисоблаш учун за бўлади.

7. Аҳолининг ўртача умр кўриш давомийлиги ℓ_{δ}^0

$\ell_{\delta}^0 = \frac{T_x}{\ell_0}$ ёки $\ell_x^0 = \frac{\sum L_x}{\ell_0}$ бунда ℓ_0 ўрганилаётган аҳолини сони.

Аҳолини ўртача умр күриш давомийлiği күп факторларға: аҳоли ўлиш даражасыга, аҳоли хәётининг ижтимоий шароитига ва х. к. ларга боялышынан.

4. АҲОЛИНИ МЕХАНИК ХАРАКАТИ ОРҚАЛИ ЎРГАНИШ

Алохидан олинган пунктдаги аҳоли сонининг ўзгаришини фақат аҳоли табиий кўпайиши орқали юзага келмайди, механик харакати туфайли, баъзи бир шахсларнинг мамлакат ичкарисида яшашиб территорияларини ўзгартириши, яъни аҳоли миграцияси (кўчиб юриши) натижасида ҳам рўй беради. Аҳолининг мамлакат ичкарисида яшашиб жойларини алмаштириши ичи - миграция, унинг бир мамлакатдан иккинчи мамлакатга кўчиб юриши ташқи миграция дейилади. Ички миграция тури сабабларга кўра рўй беради. Ташқи миграция эса, маъжбурий характерга, иш ахтарини ёки умуман "яшаш жой" топиш, яхшироқ яшашиб мақсадида юзага келади.

Мамлакатимиздаги аҳоли миграциялари баъзи юндустрималь сабабларга кўра, қўриқ ва бўз ерларни ўзлантириши мақсадида ташкилий оммавий кўчишлар бўлиб, улар асосан ёшлиарни ташкил этади.

Республикамида аҳоли миграцияси шунингдек, ўқув юртларини битирган ёш мутахасисларни тақсимот бўйича ишга жўнатиш ҳисобига ҳам бўлади. Бундан ташқари қишлоқ ёшлиарни ташкилий равишда йирик қўрилишларга, саноат ишлаб чиқаришга жалб қилинади.

Ҳар бир аҳоли пунктидан аҳоли миграциясини асосий кўрсаткичи кўчиб келувчилар ва кўчиб кетувчилар сонидан иборатdir.

Статистикада мигрантлар сонидан ташқариш уларнинг жинси, ёши, мутахассислиги ва миграция сабаблари ҳам ўрганилади. Маълум ҳудудда кўчиб келувчилар ва кўчиб кетувчи

лар сони күрсаткычларининг айрмаси аҳолининг механик ўсиши ёки камайишини аниқлайди. Уни аҳоли миграциясининг салъдо (қолдиги)си дейиллади.

Аҳоли миграцияси хақидаги ахборотлар мамлакатимизда қаердан қаинча миқдорда аҳоли күчиб ўтганини кузатишида, кўпинча хўжалик ва бошқа тадбирларни ыланлаштириш ва анализ қилишда катта аҳамиятта эга.

Аҳоли миграциясининг салғоси ҳақидаги ахборотлар аҳолини рўйхатга олиш даврида аҳоли табиий ўсиши билан бир қаторда аҳоли сонини ҳисоблаш учун асос бўлиб хизмат қиласди.

5. АҲОЛИ СОНИ ИСТИҚБОЛИНИ БЕЛГИЛАШ

Кўпинча халиқ хўжалиги күрсаткычларини ыланлаштириш учун режалаштирилётган даврда аҳоли сонини билши (оддиндан айтиши) жуда муҳимдир. Шунинг учун аҳоли статистикаси вазифаларидан бири келажакда (истиқбодаги) аҳоли сонини аниқлашдан иборат.

Маълум вақт оралигида аҳоли сони (истиқболини) имкониятини ҳисоблаш келажакда аҳоли умумий сонини топиш масаласи ёки маълум ёнидаги аҳоли гуруҳи сонини аниқлаш масаласига боғлиқ холда ҳар - ҳил усуслар билан ўтказилиши мумкин.

Аҳоли сони истиқболини ҳисоблашнинг оддий усули маълум анализ қилиш даврида аҳоли сонининг табиий ёки механик ўсишига асосланади ва аниқланган қонуният оммалаштирилади.

Масалан: Агар қандайдир давр бошида аҳоли сони маълум бўлса ва аҳолининг умумий ўсиш коэффициенти

$$(K_{ум. ў.} = K_t \cdot K_\xi + K_{мех. ў.})$$

маълум бўлса, у холда т йилдан сўнг аҳоли сони истиқболини кўйидаги энг содда формула ёрдамида ҳисобланш мумкин: S_{t+1}

$$= S_t \left(1 + \frac{\text{Кум. ўс}}{1000} \right)$$

Бундаги S_t - давр бошидаги аҳоли сони, т - истиқболини олдиндан айтиб бериш йил сони, Кум. ўс. = умумий ўсиш коэффициенти, S_{t+1} йилдан сўнги аҳолини умумий сони.

Аҳоли умумий сони истиқболини маълум аналитик формулага тенглантиришган динамик қаторларга ясасланган бўнича усул билан ҳам ҳисобланш мумкин:

$$y_t = ab^t$$

Бундаги параметр а бошланишдаги яъни $t = 0$ бўлгандаги аҳоли сони, b эса, умумий ўсиш коэффициенти яъни ҳар йили аҳоли сони ўргача неча марта ортиши мумкинлигини кўрсатади. Аҳоли сонини аниқлаш қайси мақсадлар учун кераклигига қараб, уни ҳар - хил усувлар билан ҳисоблаш мумкин.

МАВЗУ 4. МЕХНАТ РЕСУРСЛАРИ СТАТИСТИКАСИ

РЕЖА:

1. Мехнат ресурслари ва аҳолининг бандлик тушунчалари.
2. Мехнат ресурслари статистикасининг вазифалари.
3. Мехнат ресурслари статистикасининг асосий кўрсатичлари ва унинг ижтимоий - иқтисодий тахлидаги аҳамияти.
4. Мехнат ресурслари баланси (мувозанати).

1. МЕХНАТ РЕСУРСЛАРИ ВА АҲОЛИНИНГ БАНД-ЛИК ТУШУНЧАЛАРИ

Аҳолининг меҳнатга яроқли тўплами меҳнат ресурслари - жамиятнинг асосий ишлаб чиқариш кучини ташкил этади.

Меҳнат ресурсларининг асосий қисми меҳнат ёшидаги шахслардан иборат. Ишчи (меҳнат) ёшининг қуйи ёш чегараси эркаклар ва аёллар учун 16 ёш, юқори ёш чегараси эса, мос равишда 60 ва 55 ёш ҳисобланади.

Меҳнат ресурслари таркибий қисимга иенсия ёшида бўлиб, ишлаётганлар, балоғат (меҳнат) ёшига стмай, жамоат ишлаб чиқаришда ишлаётганлар ҳам киради.

Меҳнат ёшида бўлиб, ишламайдиган I ва II гурӯҳ ногиронлар, имтиёзли нафақага чиқиб, ишламайдиган нафақахўрлар меҳнат ресурсларига кирмайдилар.

Меҳнат ресурсларига жамоат ишлаб чиқаришда банд бўлганлар, шунингдек меҳнатга яроқли бўлиб, қандайдир сабабларга кўра жамоат ишлаб чиқаришда иштирок этаётганлар, масалаң, шахсий ёрдамчи хўжалигида банд бўлганлар на ўқувчилар киради. Шундай қилиб, меҳнат резервлари амалда потенциал кўрсаткичdir. Лекин, амалда ҳалқ хўжалигида бандлар сони у билан мувофиқ келмайди.

Ҳалқ хўжалигида бандларга меҳнатга яроқлилар, меҳнатга яроқли бўлмай, ишлаётганлар ҳам киради. Ҳалқ хўжалигига бандлар сонига жамоат ташкилотларида ишлаётганлар ва шахсий қишлоқ таморқа хўжалигида ишлаётганлар ҳам киради.

Ижтимоий ҳалқ хўжалигида бандалр составига давлат идораларида, муассасаларда ва ташкилотларда ишловчилар, колхозчилар шунингдек матлубот коопиерацияларида ёлланиб ишловчилар мансубдир.

Меҳнат ёшидаги ишлаб чиқаришдан ажралган холда ўқчилар, меҳнатта яроқли аҳолидан уй ишлари билан бандлар ҳарбий хизматчилар халқ хўжалигига банд аҳоли составига ірмайдилар.

Меҳнат ресурслари статистикаси ижтимоий - иқтисодий атистиканинг бир тармоғи сифатида амалдаги меҳнат ресурсларининг хажми ва уларнинг сифат белгиларини ўрганади, еҳнат ва ривожланиш бўйича режаларнинг бажарилишини изорат қиласди.

2. МЕҲНАТ РЕСУРСЛАРИ СТАТИСТИКАСИНИНГ АСОСИЙ КЎРСАТКИЧЛАРИ

Меҳнат ресурслари доимо ўзгариб туради: бир тамондан ҳолининг иш билан банд бўлмаган қисемини меҳнатга жалб илиши ҳисобига тўлдирилиб борилса, бошқа томондан меҳнат аёқатини йўқотганларни чиқарини ҳисобига қисқариб туради.

Меҳнат ресурсларининг мавжудлиги меҳнат ёшидаги, юхнатга яроқли аҳолининг сони ва бу чегарадан ташқарида ўлиб, ишловчилар сонига мос келувчи кўрсаткичлар билан аракатланади.

Меҳнат ресурсларининг умумий сони билан бир қаторда ни тармоқлар бўйича, ишлаб чиқариш сфераси ва алоҳида ўдуудлар бўйича ҳам аниқланади.

Халқ хўжалигига ишловчилар сони умумий кўрсаткичлардан иборатdir. Унга ишчилар, хизматчилар ва колхозлар камоат хўжалигига банд бўлган колхозчилар киради.

Халқ хўжалигига ишловчилар сони ташкилотлар, муассасалар ва колхозлар аҳборотлари бўйича, уларни жамлаш ва салқ хўжалигини барча тармоқлари бўйича умумлаштириб аниқланади.

Барча аҳоли составидаги меҳнат ёшидаги меҳнатта яроқли аҳолининг салмоғи (солиштирма оғирлик) ва меҳнат ёшидаги халқи хўжалигига иштаётган шахсзор қисми меҳнат ресурсларидан фойдаланишининг муҳим кўрсаткичидир.

Меҳнат ресурслари статистикасидаги кўрсаткичлар системасида сифат кўрсаткичлари махсус ўринни эгалтайди. Шундай қилиб, ижтимоий - иқтисодий таҳтил (анализ)да меҳнат ресурсларидан унумли фойдаланиш, уларнинг бандлиги ҳамда билим ва мутахассисликка эга бўлишлари ўрганилади.

Риҳбон ва мутахассисларнинг қинадай қисми ўз мутахассислари бўйича махсус билимга эга бўлмай, ёки "практик" сифатида иштаётганлар, ёки мутахассисликни сиртдан битирғанлар салмонига қараб, улардан рацонал фойдаланиши ҳакида хўкм чиқариш мүмкин.

Меҳнат ресурсларининг активлик ижтимоий - иқтисодий характеристикасини уларнинг яшаш меблағлари манбалари бўйича аниқланади.

Давлат қарарномаидаги (бўқиманда) ва алоҳида шахстар қарарномаидагилар аҳолининг иқтисодий пассив қисмини ташқол этади.

3. МЕҲНАТ РЕСУРСЛАРИ БАЛАНСИ (МУВОЗАНАТИ)

Меҳнат ресурсларини ўрганишда базанс методи катта рол ўйнайди. Меҳнат ресурслари баланси меҳнат балансининг таркибий қисми бўлиб, меҳнат ресурсларининг маънудлиги уларнинг таркиби, халқ хўжалигининг турли тармоқлари ва хусусий секторда, ўқувчилар ва бошقا шига яроқли ёшидаги меҳнат ресурсларининг бандлиги ва уларнинг таъсизланшини характеристиб беради.

Меҳнат ресурсларининг йил давомиди бандлиги потек-кислигига мавсумий тебранишлар сезизларли таъсир қўлади.

Шунинг учун меҳнат ресурслари билан ўртacha йиллик, ва шуннингдек маълум вақт оралиғида: 1 январдан 1 июлгача ви-лоитлар ва йирик шаҳарлар бўйича ҳисоблаңади.

4. МЕҲНАТ РЕСУРСЛАРИ БАЛАНСИ (ЎРТАЧА ЙИЛЛИК, МИНГ КИШИ ҲИСОБИДА)

	Жаъми 1	Шаҳар 2	Қишлоқ 3
<p>1. Меҳнат ресурсларининг ҳам- маси.</p> <p>Шундан: Меҳнат ёшидаги меҳнатга яроқлилар. Жамоат ишлиб чиқаришдаги катта ёшли- лар ва ўсмиirlар.</p> <p>Улардан: катта ёшдагилар ўсмиirlар.</p> <p>Меҳнат ресурсларининг тақсим- ланиши. Бандлар сони (ўқувчи- лар, шахсий хўжаликда ва уй иши билан бандлардан ташқари)</p> <p>Жумладан:</p> <p>Ишчилар ва хизматчилар.</p> <p>Жаъми.</p> <p>Улардан бандлар:</p> <p>Саноатда</p> <p>Қишлоқ хўжалигида</p> <p>Ўрмон хўжалигида</p> <p>Транспорт ва алоқада</p> <p>Қурилишда</p> <p>Савдо, умумий овқатланиш, ма- териал техник таъминот, мол таърқатувчилар ва бошқа мате- риал ишилаб чиқариш сферасида-</p>			

<p>ги фаолиятлар.</p> <p>Тураг жой - коммунал хўжалиги ва аҳолига майший хизмат кўрсатиши. Соғлиқни сақлаш, спорт ва социал таъминот маориф, маданият, санъат, фан ва илмий хизматчилар.</p> <p>Кредит ва давлат сугуртаси.</p> <p>Давлат бошқариш органлари, кооператив ва жамоат ташкилотлари бошқармаси, суд ва юридик ташкилотлар. Колхозчилар, колхозда жамоат иши билан шугулланувчилар ҳаммаси.</p> <p>Бўлардан бандлари:</p> <p>Қинилоқ хўжалигига</p> <p>Саноатда</p> <p>Қурилишда</p> <p>Урмончилик хўжалигига</p> <p>Савода</p> <p>Хатқи хўжалиги ва маданиятда</p> <p>Бониқа ишлар (майдага хунарманандлар ва бошқалар)</p> <p>Меҳнат ёшидаги ўқувчилар, ишлаб чиқаришдан ажralган холда.</p> <p>Меҳнат ёшидаги шахсий хўжалиги, фермер хўжалиги ва уй ишлари билан бандлар.</p>			
--	--	--	--

Меҳнат ресурслариниң күпайтириш ва камайтириш жараёнлари меҳнат ресурслари баланси маъдумотлари асосида ўрганилади.

Бу баланснинг “эга”си халқ хўжалиги тармоқлари ва шахсий мулк формаларини кўрсатади, “кесими” эса йил бошидан меҳнат ресурсларининг сони, меҳнат ресурсларининг сони, меҳнат ресурслари кўпайиши манбалари, уларниң камайиш сабаблари ва йил охиридаги меҳнат ресурсларининг сонини кўрсатади.

Меҳнат ресурсларининг кўпайини ишлаётганларни, тармоққа ёки уй ишлари билан бандларни, олий ва ўрта маҳсус ўқув юртлари чиқарган мутахасисларни, жамоат чақириғи билан бошқа худудлардан келгандарни ишга жалб этиш ҳисобига амалга ошади.

Меҳнат ресурсларининг камайини жараёни эса, нафақага чиқувчилар, ишлаб чиқаришдан ажраған холда ўқинига кетиши, ҳарбий хизматта чақирилувчилар, бошқа худудга кўчиб кетувчилар ва х. к. лар ҳисобига юз беради.

Меҳнат ресурслари ўзгаришининг муҳим фактори худудлар аро миграциядир. Меҳнат ресурслари хажмига унинг таъсирини юзага чиқариш учун меҳнат ресурсларининг худудлараро характери баланси тузилади.

Турли касб ва мутахассисликлардаги кадрлар тайёрлашни планлаштириш мақсадида малакали ва мутахассис кадрлар баланси тузилади.

Бунда уй хўжалиги билан, болалар тарбияси билан ва бошқа сабабларага кўра вақтинча ишламаётганлар малакали ва мутахассис кадрларни алоҳида кўрсатилади. Статистиканинг вазифаларидан бири келажакдаги меҳнат ресурслари хажмини аниқлашдан иборатdir. Шунинг учун меҳнат ресурслари преспектив сонини аниқлашда қўйидаги формула ишлатилади:

$$H_t = H_0 (1 + K_e)^t K^1 K^2$$

Бунда H_t - кутилаёттган аҳолининг сони, H_0 - ўткинчи йил бошидаги сони, t - давр йили сони, K_e - аҳоли табиий кўпайиши коэффициенти, K^1 - умум аҳоли сонига нисбатан меҳнатга яроқлилар коэффициенти, K^2 - иш ёшидаги меҳнатга яроқлилар коэффициенти.

М.Р - Ҳар бир ижтимоий информацияларнинг иш қучига бўлган эҳтиёжини қондира оладиган меҳнат имкониятлари. Меҳнат реервлари меҳнатга лаёқатли ёшдаги кишилар (ногиронлар ва меҳнатга қобилиятсиз кишилардан ташқари) меҳнатга яроқли ёшдан катта бўлса - да ишловчи кишилардан иборат. Меҳнат резервлари иш кучи тушунчасидан кенгроқ маъниони англатиб, уй хўжалигида, шахсий томорқада банд бўлганлар, шунингдек ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлмай ўқийдиганлардан иборат потенциал иш кучини ҳам ўз ичига олади. Республикаизда меҳнат ресурслари сони ва улардан халқ хўжалигида қандай фойдаланиш меҳнат ресурслри балансида кўрсатилади. Кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш шароитида меҳнат ресурсларига бўлган талаб борган сари кучаяди. Мустақил давлатимиз халқ хўжалиги талабларига мувофиқ малакали кадрларни тайёрлаш ва уларни тури тармоқлар бўйича режа асосида тасдиқлайди.

МАВЗУ - 5. МИЛЛИЙ БОЙЛИК ТАРКИБИ ВА ХАЖМИ СТАТИСТИКАСИ

РЕЖА:

- 1. Миллий бойлик тушунчаси.**
- 2. Миллий бойлик статистикасининг асосий вазифалари.**
- 3. Миллий бойлик тизими.**

1. МИЛЛИЙ БОЙЛИК ТУШУНЧАСИ

Миллий бойлик ишлаб чиқаришнинг муҳим категорияси (туркуми, тоифаси) бўлиши билан бирга, халқ хўжалигининг синтетик (мужассам) кўрсаткичи ҳамдир. Статистик адабиётларда миллий бойлик туркумига турлича изоҳ берадилар. Миллий бойлик талқинининг уч хил ёндашуви мавжуддир.

1. Миллий бойлик тушунчасига илгариги меҳнатлар туфайли яратилган моддий бойликлар, ишлаб чиқариш барча во-ситалари тўплами ва истеъмол буюмларининг баҳолари нархидаги моддийлаштирилган ҳали ишлаб чиқаришга жалб этилмаган табиий ресурслар, меҳнат ресурслари, табиий шароитлар, шунингдек берилган даврда ҳамма ишлаб чиқарилган маҳсулотлар киради.

2. Миллий бойлик, мамлакатда илгриги меҳнатлар туфайли жамгарилган моддий бойликлар ва фойдаланишига ярамайдиган табиий ресурслардан иборатдир. Бу таърифнинг муаллифлари миллий бойликни икки қисимга бўладилар:

биринчиси, илгари меҳнатлар натижасида жамгарилган моддий неъматлар миллий мулкни ташкил этади ва у пул шаклида гавдаланади.

Иккинчи қисми эса, табиий ресурслар бўлиб, улар фақат натура (маҳсулот) ҳолида ҳисобга олинади.

3. Ва ишоят учинчи ёндашув муаллифлари миллий бойликини бевосита ягона миқдорий ўлчоғидан келиб чиқиб, Миллий бойлик тушиунчасига талқин берадилар.

Миллий бойликини ҳар бир берилган даврда, ишлаб чиқариши сферасида ишлаб чиқариши ва поишлаб чиқариши истеъмол талабларидан ортириб яратилган моддий мулк жамғармаси тўплами сифатида қарайдилар.

Юқоридаги ёндашувларга мувофиқ аниқланган миллий бойликлар бўйича ахборотлар давлат статистика вазирлиги статистик йилномасида ҳар йили эълон қилинади.

2. Миллий бойлик предмети. Мамлакат миллий бойлиги таркибидан меҳнат воситалари ва меҳнат предметларидан ташкил тонган ишлаб чиқариши фонdlари, давлат, кооперация ва ижтимоий ташкилотларга қарашли бўлган турар - жой, моддий - мааний хизмат қўреатиши фонdlарини ўзида мужасамлантирган жамиятининг ишилаб чиқарувчи фонdlаридан ташкил тонган асосий ва айланма ишлаб чиқариши фонdlарини ажратади.

Худди шунингдек, ишлаб чиқаришга жалб этилган граждандарининг шахсий мулклари, ишлаб чиқарувчи ва но ишлаб чиқарувчи ташкилотлар товар заҳиралари, давлат резервлари ва табиий ресурслар ҳам кўзда тутилади. Миллий бойлик ишлаб чиқаришининг моддий техник баъзасини, аҳоли моддий фарвоилиги даражасини, жамият моддий неъматларини қайта ишлаб чиқариши ўсиш суръати ва кўламини белгилаб берувчи омилдир.

У маалакат мудофа қудратининг асосини ташкил этади. Шунинг учун мустақил республикамиз унинг тез ортиб боришидан мафаатдордир.

Миллий бойлик хажмини аниқлашда тўғридан тўғри ҳисоблаш (статистик ахборотларга асосланган ҳолда миллий

бойликни юҳида элементларини Масалан: асосий фондалар қийматини) методидан ва ҳисоблаш ахборотларидан (Масалан: шахсий уй анжомларининг қийматини аниқлаш) фойдаланилади.

Миллий бойликни ҳисобга олиш натурал, шартли – натурал ва баҳо формаларида олиб борилади.

Масалан: ёнилғи – энергетик ресурслар (нефт, газ, торф, кўмир ва х. к.) натурал ўлчов бирлигига (тонна, м³) ва шартли – натурал (шартли ёнилғи тонна).

Кенгайтирилган (acosий ва айланма ишлаб чиқариши) ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган миллий бойликнинг ўёки бу қисмининг ривожланиши иктиносдининг эфектив ривожланиши учун зарурий шарт бўлиб ҳисобланади. Масалан: асосий ишлаб чиқариш фондларининг маънавий ва физик (жисмоний) эскириши ҳисобига қийматлашуви, дастгоҳларнинг майда ташкилотларда ва таъмирлаш устахоналарида тўпланиб қолини улардан фойдаланиш эфектини насайтиради, меҳнат кучи, ишчилар сони балансини ўзгартириб туради.

Шунинг учун миллий бойликнинг бу бўлаги мавжудлиги ва унинг холатини анализини систематик ўтказиб туриш, улардан эфектив фойдаланиш ва келажакда илмий техник прогрессни ривожлантириш йўналишини аниқлаб бориш имконини беради.

Миллий бойлик – айланма фондлар элементи структураси ва таркибига катта таъсир этадиган иккинчи омил янги фан – техника ютуқларини тадбиқ этишдир.

Электр энергияси ишлаб чиқариши ривожлантириш, метал ўрнига пластмассадан фойдаланиш, чиқиндисиз технологияни тадбиқ этиш айланма фондлар структураси ўзаришига олиб келади ва улардан фойдаланиш эфектини оширади.

Шунинг учун миллий бойликни унинг асосий элементлари бўйича қийматини аниқлашда кенгроқ маънода, хусусан

станоклар бўйича уларнинг техник – иқтисодий кўрсаткичлари ва яроқлиликларини ҳисобга олган хојда натурал ўлчовларда (доналаб, тоннналарда) ҳисоб – китоб ва анализ ўтказиш йўли билан тўлдириб борилади.

2. МИЛЛИЙ БОЙЛИК СТАТИСТИКАСИНИНГ АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИ

Ижтимоий - иқтисодий статистиканинг миллий бойликни ҳисоблаш ва ўрганишдаги асосий вазифалари кўрсаткичларини, уларнинг қийматлари баҳолари математик методларини қайта ишлабчиқиши ва қўйидагиларни аниқлаш учун ахборотларни йиғиш ва уларни автоматик қайта ишлаб чиқишдан иборатdir:

1. Унинг баҳо формасидаги хажми ва динамикаси (хорижий баҳоларга нисбатан).
2. Мулкчилик формалари бўйича моддий структураси ва структуравий силжишлари
3. Худудий тақсимланиши.
4. Тармоқлар бўйича эгадорлиги.
5. Ижтимоий ва шахсий фойдаланиш эффективлиги ва тенденциялари (жамгарма ва истеъмол)

Миллий бойликнинг энг қўп муҳим қисмини узоқ вақт кенгайтирилган ишлаб чиқариш жараёнида қатнашувчи асосий фондлар ташкил этади. Ундан кейинги кўлами бўйича элемент - айланма фондлардир.

Миллий бойлик элементларидан - маданият ва санъат асарларидир (рассомлик асарлари, скулптура ва бошқалар).

Илмий кашфиётлар ва янгиликлар потентлари миллий бойликнинг потенциал қисмидир. Уларнинг вазни бўйича баъзи бир мамлакатлардаги илмий - техниковий ривожлантириш суръати ва даражаси ўзгаришини баҳолаш мумкин.

Миллий бойликка мамлакатимиздаги олтин ва валюта резервлари, айланма фондлар, ишлаб чиқарилған моддий неъматлар заҳиралари ва резервлари киради. Потенциал миллий бойликнинг асосий қисмини табиий ресурслар (ер фонди, ўрмон, сув ресурслари, фойдалы қазилмалар) ташкил этади. Статистика уларнинг мавжудлиги, состави, холати ва улардан фойдаланиш имкониятларининг хисоботини олиб боради.

3. МИЛЛИЙ БОЙЛИК ТИЗИМИ (табиий ресурсларсиз)

Миллий бойлик жамият томонидан унинг ишлаб чиқарини фаолияти натижасида яратилған ва жамгарилған иегеммол баҳолари түштами сифатида қўйидаги тизимларга бўлинади: асосий ва айланма ишлаб чиқарини фондлари, ноишлаб чиқариш фондлари, аҳолининг шахсий мулклари, ташкилот ва муассасаларининг товар заҳиралари, давлат резервлари, фойдаланадиган хомашшё ва ёқилги - энергетик ресурслар.

Мамлакатнинг турли ижтимоий - иқтисодий ривожланиш даврларига миллий бойлик элементлари орасида маълум мутаносиблиқ мос келади. Ижтимоий масалалар актив ечимли ноишлаб чиқариш фондлари баҳоси ўсишини кўзда тутади. Ишлаб чиқариш потенциалининг ўсиши асосий ва айланма фондлар ўсишига асосланади.

Аҳоли шахсий маблағлари баҳосининг ўсиши моддий фаровонликнинг ўсишига олиб келади.

Иқтисоднинг стабил ўсишини таъминлаш ва мудофаа қобилиятларини қўллаб қувватлаш давлат резервлари мавжудлигини талаб қилади. Миллий бойлик тизимини оптималь танлаб олиш мамлакат ижтимоий - иқтисодий ривожланиши асосий масалаларини илмий - техникавий ўсиши ва халқаро муносабатларни ҳисобга олган ҳолда мувозанатлик тарзда ечиш имконини беради.

Хозирги пайтда миллий бойлик қуйидаги күрсаткичлар бүйінча ҳисобланады (йил бошида, охирида, йиллик ўсиш)

1. Ижтимоий мулкчилік.

1.1. Давлат мулки.

1.1.1. Асосий фонdlар (ишлаб чиқариш, ноишлиаб чиқариш, жумладан турар жой фонди).

1.1.2. Моддий айланма воситалар ва захиралар (жумладан ишлаб чиқариш захиралари, туталланмаган ишлаб чиқариш, тайёр махсулотлар ва товарлар).

1.1.3. Давлат резервлари (күр - құт, әхтиёж махсулот захира)

1.2. Кооператив - колхоз мулки.

1.2.1. Асосий фонdlар (ишлаб чиқариш, ноишлиаб чиқариш, жумладан турар жой фонди).

1.2.2. Айланма воситалар ва запас махсулотлар.

2. Ақоли мулки (ижтимоий гурухлар бүйінча)

2.1. Асосий фонdlар (ишлаб чиқариш ва ноишлиаб чиқариш)

2.2. Үй хұжалигыда узоқ вақт фойдаланиладиган предметлар.

2.3. Хұжалик ишлаб чиқаришда қишлоқ хұжалиги махсулотлари запаси.

Миллий бойлик структурасы ўзгаришианализида элементлар вазнлари аниқланады ва уларни амалдаги ўзгариш индекслари ҳисобланады:

$$J_{y_{B\mathcal{E}i}} = YB\mathcal{E}_1i / YB\mathcal{E}_{0i}$$

Бунда $YB\mathcal{E}_1$ ва $YB\mathcal{E}_{0i}$ - 1-чи элементнинг мос равишидегі отчёт давридаги ва базис вазнларидир.

Миллий бойлик, ҳалқ бойлиги - мамлакат иқтисодий қудратининг энг муҳим кўрсаткичларидан бири, жамият ўзининг ишлаб чиқариш фаолияти давомида жамғарган барча ис-теъмол қиймати йигиндисининг пул билан ифодаланиши. Миллий бойлик ижтимоий тузум хусусиятига биноан бутун жамият мулки ёки унинг айрим сифатлари, гурӯҳлари, айрим шахслар мулки бўлиши мумкин. Миллий бойликнинг бир қисми бутун жамиятники бўлиб, мустақил давлат ва кооператив ташкилотлар ихтиёридадир. У ҳалқ манфаатларига хизмат қилиди, жамият аъоларининг тобора ўсиб бораётган моддий ва маданий эҳтиёжларини тўлароқ қондиришга сарфланади.

Миллий бойлик таркибига ҳалқ хўжалигининг асосий ва айланма ишлаб чиқариш фондлари (бино, иншоат, машина, асбоб - ускуналар, ҳом ашё, материаллар, ёқилги ва бошқалар). Муомала фонди (тайёр маҳсулот запаслари), эҳтиёж фондлари ва сутурта заҳиралари, ҳалқка хизмат қилувчи тор-моқларининг асосий фондлари (мактаб ва шифохоналар бинолари, маданият саройлари), аҳолининг шахсий мол - мулклари, ижтимоий ишлаб чиқариш жараёнига жалб этилган табиий бойликлар (ер ости қозилмалари, табиий экин майдонлари, қўриқ ва бўз ерлар, ўрмон ва сувлар), шунингдек ишчи ва хизматчиларнинг ишлаб чиқариш тажрибаси, илмий - техника билимлари ҳам киради. Мустақил давлатимиз миллий бойликни кўпайтириш ва ундан самарали фойдаланишни таъминлаш учун қатор тадбирларни амалга ошироқда. Ўзбекистонда миллий бойлик статистикаси инвентаризация, бухгалтерия ва статистика ҳисоботларига асосланган счет методидан фойдаланади. Миллий бойлик таркибига қўйидаги моддий неъматлар ҳам киради: меҳнат воситалари, (машина, ишлаб чиқаришга тааллуқли бинолар ва х. к. лар) ва ишланадиган меҳнат предметлари (ҳом ашё, материаллари ва ёнилги ва бошқалар)дан тузилган асосий ва айланма ишлаб чиқариш фондлари; жамиятнинг ишлаб чиқаришга кирмайдиган фондлари, бунга дав-

лат, кооператив ва жамоат ташкилотларига қарашли уй жойлар фонди ва маданий - майший фондлар киради; аҳолининг шахсий (истеъмол) мулки; ишлаб чиқариш корхоналари ва ишлаб чиқаришга кирмайдиган ташкилотларнинг товар запаслари; давлат резервлари, олтин запаси, мудофаа эҳтиёжларига керакли запаслар ва бошқа ишлаб чиқариш жараёнинг жалб қилинган табиий ресурслар.

Миллий бойликнинг таркибий қисимлари мазмуни ва уларнинг салмоғи ўзгариб туради. Айниқса фан - техника ри-вожланиши даврида миллий бойлик таркибида йирик силжишлар рўй беради: ишлаб чиқариш фондлари тез кўпаяди ва янгиланади, ишлаб чиқаришга кирмайдиган фондлар таркибида илмий, медицина, ўқув ва бошқа муассаса мулклари кўпаяди, табиий бойликларни хўжалпк оборотига жалб қилиш суръатлари тезлашади.

Мустақиллик тараққиёт йилларида республикамизда миллий бойликнинг ошганлигини кўриш қийин эмас. Республиқада ижтимоий ишлаб чиқаришга жалб этилаётган табиий бойликлар миқдори ва миқёси йил сайин кўпайиб бормоқда. Бунинг ёрқин далили кейинги йилларда Мирзачўлда, Марказий Фарғонада, Қарши чўлларида минглаб ерлар ўзлаштирилиб, миллионлаб тонна “оқ олтин” этиштирилаётгандир.

МАВЗУ - 6. АСОСИЙ ФОНДЛАР СТАТИСТИКАСИ

РЕЖА:

1. Асосий фондлар хақида тушунча.
2. Асосий фондлар классификацияси.
3. Асосий фондларни баҳолаш усуллари.
4. Асосий фондлар амортизацияси.
6. Асосий фондларнинг баланси.

1. АСОСИЙ ФОНДЛАР ҲАҚИДА ТУШУНЧА

Миллий бойликнинг асосий бўлақларидан бири асосий фондлардир. Жамиятнинг меҳнати билан яратилган бутунлай ва ўзгармаган натурал формада узоқ вақт харакатланувчи (ишловчи) ва аста секин ўз қийматини йўқотиб борадиган моддий - қимматбаҳо бойликлар тўплами асосий фондлар дейилади. (Қийматидан қатий назар бир йилдан кам хизмат қладиган, хизмат муддатидан қатий назар нархи белгиланган лимит 100 сўмдан кам тўлган предметлар ва х. к. лар асосий фондларга кирмайди).

Асосий фондлар иккига: ишлаб чиқарувчи ва ноишлаб чиқарувчиларга бўлинади. Асосий ишлаб чиқарувчи фондлар такрорланувчи ишлаб чиқариш жараёнида бутунлай (қайта - қайта) қатнашувчи, ўз қийматини аста - секин тайёр маҳсулотларга ўтказиб борувчи меҳнат воситаларидан иборатдир.

Меҳнат воситаларига: Моддий ишлаб чиқариш сферасида фаолият кўрсатувчи бинолар, машина ва жихозлар, иншоатлар, ишчилар ва маҳсулот берадиган хайвонлар ва бошқа асосий фондлар киради.

Таърифдан, ишлаб чиқариш жараёнида у ёки бу муҳим обьектлар меҳнат воситаси сифатида фаолият кўрсатиш ёки йўқлигига қараб, асосий илаб чиқариш фонди элементи бўлаолади.

Битта станок қаерда туришига қараб, ё асосий фонд элементи ёки айланма фонд элементи бўлиши мумкин. Яъни: складдаги тайёрловчи заводнинг маҳсулот айланма фонд элементи, машинасозлик заводида ишлаёттани асосий фонд элементи бўлади. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, асосий ишлаб чиқариш фондлари составига фақат жамоат меҳнат маҳсулотлари киради. Шунинг учун асосий ишлаб чиқариш фондларига ер, ўрмон, дарёларга ўхшаш меҳнат воситалари кир-

майди. Худди шу пайтда асосий ишлаб чиқариш фондлари составига ерга қилинган сарфлар, ўтқазилған күчатлар, сунъй қурилған сув омбори иншоатлари ва бошқалар киради.

Асосий ноишлаб чиқариш фондларига ишлаб чиқариш жараёнида бевосита иштирок этмайдыған узок өвдөн фойдаланыладыған моддий фаровонлик объектлари, жамоат ва шахсий истемел объектлари киради.

Асосий ноишлаб чиқариш фондлари сарфланған (йўқотған) моддий қийматларни миллий даромад ҳисобига юклатылади. Асосий ноишлаб чиқариш фондларига: коммунал ва турар жой хўжаликлари, маориф, соглиқни сақлаш, фан, маданият, санъат, бошқариш органлари ва молия - кредит ташкилотлари киради.

Асосий фондлар статистикаси олдида қўйидаги: асосий фондлар структураси ва умумий хажмини аниқлаш, уларни табиатидан келиб чиқадыған турли баҳоларини аниқлаш асосий фондлар сарфи ва фаолияти ҳусусиятлари, фондлар динамикасини ўрганиш, шунингдек асосий фондлар холати кўрсаткичларини ҳисоблаш ва улардан фойдаланиш вазифалари туради.

2. АСОСИЙ ФОНДЛАР КЛАССИФИКАЦИЯСИ

Дастлабки ва статистик ҳисботлар даврида асосий ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш фондлари натурал (моддий) белгилари бўйича гуруҳларга (классификацияларга) ажратилади.

Бу планлаштириш учун, амортизацияларни ҳисоблаш учун, асосий фондларнинг структурасини ўрганишда катта аҳамиятга эгадир. Гуруҳларга ажратиш, айниқса, ишлаб чиқариш асосий фондлари учун алоҳида аҳамият касб этади.

Хозирги даврда асосий фондларнинг қўйидаги типик классификацияси мавжуддир:

1. Бинолар
2. Иншоатлар
3. Узатувчи қурилмалар
4. Машина ва жихозлар

Жұмладан:

- а) күч (символ) ли машиналар ва жихозлар
- б) ишчи машиналар ва жихозлар
- в) Ылчов машиналар ишини тартибға солиб турувчи ас-

боб ва қурилмалар ҳамда лабаратория жихозлари

- г) Ҳисоблаш техникалари
 - д) Бошқа машиналар ва жихозлар
5. Транспорт воситалари
 6. Инструментлар
 7. Ишлаб чиқариш инвентарлари ва ашёлари
 8. Хұжалик инвентарлари
 9. Ишчи ва махсулдор хайвонлар
 10. Күп үйлilik дараҳтлар
 11. Ер холатини яхшилаш учун капитал сарфлар
 12. Бошқа асосий фонdlар.

Бинолар гурухига: цех бинолари, устахоналар, складлар (омборхоналар) ва бошқа ишлаб чиқариш бинолари, ўқув бинолари, илмий ва маданият ташкилотлари бинолари, турар - кой бинолари киради.

Иншоатларга: шахталар, ҳамма күринишдаги скважиналар (вертикал насослар), түғонлар, каналлар, дамба (күттармалар), сугориш тармоқлари, күпприклар, темир ва автомобиль йўллари ва бошқалар киради.

Узатма қурилмалар гурухига: трамвай ва тролейбуслар, аво электр ўтказгичлари, кабелли ўтказгичлар, газопровод ва іефт махсулотлари учун трубопроводлар, канализация ва юдопровод тармоқлари ва х. к. лар киради.

Машина ва жихозлар: кучли машиналар ва жихозлар гурӯҳостиға: кателня (қозон) қурилмалари, электродвигателлар, электростанциялар, подстанциялар, аккумулятор ва бошқалар киради.

Ишчи машина ва жихозлар гурӯҳостиға: станоклар, компрессор машиналар ва бошқалар киради.

Үлчов ва регулятор асбобларга: алоқадаги контрол - үлчов ва синов аппаратлари, сигнализациялар, билет - касса апаппаратлари, хароратни үлчов асбоблари, астрономик ва геодезик асбоблар (асралиябия, әклиметр, әккөр ва бошқалар) киради.

Ҳисоблаш техникаси гурӯҳостиға: электрон ҳисоблаш машиналари, клавиши ЭХМ, перфарацион ҳисоблаш машиналари ва бошқалар киради.

Бошқа машинилар жихозлар гурӯҳостиға: коммунал хўжалиқда ишлатиладиган машина ва жихозлар (сугуртадаги, шпирадиган - тозалайтидиган машиналар), барча типдаги кир ювиш машиналари, контейнерлар, спорт жихозлари, театрда ишлатиладиган махсус жихозлар ва х. к. лар киради.

Транспорт воситаларига: электровозлар, тепловозлар, дизел - поездлари, вагонлар, транспортёрлар, цистерналар, автомобиль ва прицеплар, автобуслар, коммунал транспортлари ва х. к. лар киради.

Ишлаб чиқариш инвентарларига: кемалар инвентарлари, универсал контейнерлар ва х. к. лар киради.

Ишчи ва махсулот берадиган хайвонларга: отлар, туялар, катта ёшдаги йирик ва майда шоҳли хайвонлар киради.

Кўп йиллик ўсимликларга пахта ва ўрмон кўчатлари, чой ва бошқа цитрусли плантациялар, мевали дарахтлар киради.

Ер холатини яхшилаш воситаларига: мелорация сарфлари, қўриқ ерлар очилишига сарфлар ва майда сув хавзалари киради.

Бошқа асосий фондларга: ктубхона фондлари, музей бойликлари, зоопарклардаги хайвонот дүнёси экспонатлари, бюджет ташкилотларига қарашли пастел ашёлари, кийим ва пойафзаллар киради.

3. АСОСИЙ ФОНДЛАРНИ БАХОЛАШ УСУЛЛАРИ

Асосий фондларнинг ҳар бир элементи бир неча баҳоларга эга: бошлангич тұлиқ баҳо, тұлиқ тикловчи қиймати эскирганини чегирилған бошлангич баҳо, эскирганини чегирилған тикловчи баҳо, баланс баҳоси.

Асосий фондларнинг бундай күп күринишларидаги баҳоси уларнинг узоқ вақт ишлаб чиқаришда иштироки, ишлаб чиқариш натижаларининг ўзгариб туриши натижасыда юзага келади.

Асосий фондларнинг тұлиқ бошлангич баҳоси уларнинг ишлаб чиқаришга құллаш моментидаги ҳақиқиеттік баҳоси, унинг яратилиши сарфининг тұлиқ хажми ёки асосий фондларының сотиб олиш нарыхи, шуннингдек, транспорт ва монтаж қилиш учун кетгән сарфларни ўз ичига олади. Үнга яна асосий фонди кенгайтириш ёки реконструкция қилиш билан бөглиқ бўлган сарфлар ҳам киради.

Асосий фондлар тұлиқ баҳоси бўйича корхона балансига киритилған ва у ўзининг фаолият құрылымынан даврида ўзгармай қолади. (Навбатдаги асосий фондларга янги нарх қўйилгунча, ундан кейин ўзининг ташки баҳосида ифодаланади). Асосий фондларнинг дастлабки баҳоси сотиб олинган нарх билан белгиланади, қайсики у кейинчалик ўзгариб туриши мумкин.

Тұлиқ таъмирланганлик баҳоси асосий фондларни янги шароитта мослаб, янги күринишга келтириш баҳоси қийматига тенг. Асосий фондларнинг дастлабки баҳоси ва таъмирланган баҳоси қийматлари орасидаги фарқ маълум элементлар баҳоси

нинг ўзгаришига боғлиқ. Шунинг билан бирга таъмирлаш учун сарфланган маблағлар бошлангич баҳодан ортиқ ёки кам бўлиши мумкин.

Эскирганини чегирилган дастлабки баҳо (қолдиқ баҳо) тўлиқ дастлабки баҳодан асосий фонднинг фаолияти давомида ишлаб чиқарилган моддий бойликларга ўтиб қолган эскириш баҳоси қийматини айрилганига тенг.

Баланс баҳоси - асосий фонднинг корхона балансида ҳисобга олиб қўйган баҳоси қийматидир.

Ўз фаолият муддатини ўтаб бўлган асосий фонdlарни йўқотишида (ликвидация) уларни лом (синган, эзилган нарсалар) ва қурилишга яроқли (гишт, ёғоч) га ажратилади.

Нархлар баланси активида тўлиқ дастлабки баҳо, пассивида эса, износ (эскириш) баланси кўрсатилади.

Асосий фонdlарни таъмирлаш баҳоси уларни қайта баҳолаш натижасида хосил бўлади.

4. АСОСИЙ ФОНДЛАР АМОРТИЗАЦИЯСИ

Асосий ишлаб чиқарини фонdlари бутунича иштирок этиб, ўз қийматини бир қисмини аста - секин ўзининг эскириш ҳисобига ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларига ўтказиб беради.

(Амортизация - асосий фонdlар эскириши, тўзиши, ейилиши натижасида қийматининг камайиб боришидир).

Амортизация асосий фонdlар ишлаб чиқариш натижасида ўз қийматини маъум қисмини маҳсулотта ўтказишини, эскиришини пулда ифодаланишини англатади.

Амортизация асосий фонdlарнинг маҳсулот ишлаб чиқаришдаги харажатини (чиқими) сифатида, у у маҳсулотнинг таннархи таркибида гавдаланади.

Асосий фонdlарнинг емирилиши, бузилишини тўлиқ қоп-

лаш амортизация фонди орқали бўлади. Бундан ташқари амортизация ажратма асосий фондларини капитал таъмирлаш ёки модернизацияни қисман тиклашни таъминлайди.

Йиллик амартизация суммаси қуйидаги формула ёрдамида ҳисобланади:

$$A = \frac{B + K + M - L}{T}$$

Бундаги A - амортизация йиллик суммаси, B - асосий фонд баланс қиймати, K - капитал таъмирлаш нархи, M - модернизация қиймати, L - ликвидация (тутатиш) қиймати, демонтаж характеристлари, T - амортизация даврининг давомийлиги йиллар ҳисобида.

Амортизация ажратмасининг йиллик нормаси (N_a)

$$N_a = \frac{(B + K + M - L)}{B T} \cdot 100 = A \cdot 100 \text{ га тенг}$$

Асосий фондларни тўлиқ тиклаш учун реновация (шухрат, донг) амортизация нормаси (N_p)

$$N_p = \frac{(B - L)}{B T} \cdot 100 \text{ га тенг.}$$

Капитал таъмирлаш ва модернизация амортизация нормаси

$$N_{k.m} = \frac{K + M}{B T} \cdot 100 \text{ га тенг.}$$

Амортизация нормаларининг амал қилиши асосий фондлар алоҳида кўринишлари ва груҳлари учун дифференциранган. Асосий фондлартўрли конкрет кўринишлари учун аматизация нормалари 1800 га яқин.

5. АСОСИЙ ФОНДЛАРНИНГ БАЛАНСИ

Асосий фондлар баланси бир йилда уларнинг ривожлашиши (харакати) суръатини кўрсатади.

Баланс корхона, тармоқ, иқтисодий худуд, вилоят ёки халиқ хўжалиги миёёсида тузилган бўлиши мумкин.

У асосий фондларнинг тўлиқ бошлангич қиймати ёки тўлиқ тикловчи қиймати бўйича харакатини характерлаш мумкин. Корхоналар асосий фондлари баланси тўлиқ бошлангич қиймат баҳоси бўйича тузилади.

Асосий фондларнинг баланси саноат - ишлаб чиқариш асосий фондларини бир - биридан ажратилган холда ҳисобга олинади.

Худди шуҳингдек

асосий ишлаб чиқариши фондларининг йил бошидаги ва оҳидаги холати (мавжудлиги), уларни ривожлантириш манбаъари ва асосий фондлардан чиқариш (рўйхатдан ўчириш) жараёнлари кўрсатилади.

Саноат корхоналарида тўлиқ бошлангич қиймати бўйича асосий фондлар балансининг схемаси.

сигый ондай урлер	Пол бюдж ет чи муз санги	Ҳисобот баланди тарбух ҷалоли			Ҳисобот баланди чечерлайди шундан					Пол чар рек ча муз санги	Пол ондай ондай чи муз санги	
		Нега фон длар нига тупса	Бониш шартномалар даги бешуз везд	Бониш лар	Харчонка	Асосий фондлар бўй чиқариш	Бониш ларга берауда	Бониш лар	Бонишлар			
A	I	2	3	1	5	6	7	8	9	10		

Асосий фондларни қўпайтириш манбалари: марказлашган ва марказлашмаган молиявий манбаълар хисоботидан янги асосий фондларни бошқа корхона ға ташкилотлардан олиш ва ишга тушириш.

Асосий фондларни ҳисобдан чиқариш: эскириш ва ишдан чиқиши туфайли, табиий оғат натижасиде, асосий фондлар отриқчалиги туфайли сотиб юбориш ва бошқа корхона ва ташкилотларга бериб юбориш натижасида юзага келади.

Корхоналар асосий фондлари баланси ҳар йили ўтказилган инвентаризация натижасида олиниадиган ахборотлар асосида тузилади. Учда йил охирида асосий фондларнинг миқдори ва состави бўйича хуносалар чиқарилади.

Корхона ва ташкилотлар асосий фондлари баланси уларнинг эскирганлиги ва ишдан чиққанлигини ҳисобга олиб, йиллик амортизацияси бўйича чегирилган қиймати бўйича ҳам тузилади.

Асосий фондларнинг баланси ахборотлари асосий фондлар холати ва уларни такрорий ишлаб чиқаришни характерловчи қатор «Ўрсаткичларни ҳисоблашга имкон беради.

Масалан, янгиланиш ва ҳисобдан чиқариш коэффициентлари бир йиллик ёки бошқа ўрганилаётган давр учун асосий фондларнинг янгиланиши ва ҳисобдан чиқариш нисбий характеристикасини беради:

Янгилаш коэффициенти:

$$K_{\text{ян}} = \frac{\Delta B_t}{B_{T+1}} * 100 \text{ га тенг}$$

Бундаги ΔB_t - янги киритилган асосий фондлар баҳоси t -чи йилда, B_{t+1} - йилнинг охирида асосий фондлар баҳоси.

Ҳисобдан чиқариш коэффициенти:

$$K_{\text{ч}} = \frac{\Delta B_{-t}^{\Delta}}{B_t} * 100 \text{ га тенг.}$$

Бундаги B_{-t}^{Δ} , t - йилда чиқарилган асосий фондлар қиймати, B_t са t - йил бошидаги асосий фондлар қиймати.

Эскирганлиги даражасини аниқлаш учун, асосий фондларнинг эскирганлик (износ) ва яроқлик коэффициентлари ҳисобланади.

$$K_{\text{эс}} = \frac{\hat{B}_t}{B_t} * 100 \text{ га тенг.}$$

Бу ерда \hat{B}_t - t - йилнинг бошида асосий фондларнинг эс-
кирганлик баҳоси.

Яроқлик коэффициенти

$$K_{\text{яр}} = \frac{\hat{B}_t - \hat{B}_t}{\hat{B}_t} * 100\% = 100\% - K_{\infty} \text{ га тенг.}$$

Ўртача йиллик баҳоси:

$$\bar{B}_t = \hat{B}_t + \hat{B}_t - \hat{B}_t \text{ га тенг.}$$

Бундаги \hat{B}_t - ишга туширилган янги асосий фондлар
йиллик ўртача баҳоси t - йилида ҳисобдан чиқарилиган асосий
фонdlар йиллик ўртача баҳоси.

Асосий фондларнинг ишга туширилганилик ўртача йиллик
баҳоси (\bar{B}_t) қуйидаги формула ёрдамида ҳисобланади:

$$\bar{B}_t^{\Delta} = \frac{\hat{B}_t^{\Delta}}{12} * \ell$$

Еу ердаги ℓ - фондлар ишлатилган түлиқ ойлар сони.

МАВЗУ 6 га ҚҰЩИМЧА

Асосий фондлар - ишлаб чиқаришга узоқ муддат ҳиз-
мат қилувчи, ишлаб чиқариш жараённің бир неча бор қатна-
шувчи меҳнат қуроллари ва воситалари (машина, асбоб - ус-
куна, транспорт воситалари, ўлчов ва соғлаш асбоблари, инст-
рументлари). Асосий фондлар асл шаклларини сақлаб қолган
холда бир неча ишлаб чиқариш цикли давомидан ҳизмат қила-
ди. Асосий ишлаб чиқариш фондлари қиймати ишлаб чиқариш
воситалари ёрдамида ишлаб чиқарилиган махсулоттарга аста -
секин, қисман эсквириш даражасыга қараб ұтади.

Асосий фонdlар ишлаб чиқариш фонdlарига ишлаб чиқариш бинолари ва иншоатлар, машина, асбоб ускунга, транспорт воситалари, баҳоси 100 сўмдан ортиқ бўлган ва хизмат муддати 1 йилдан кўпроқка мўлжалланган турли инвентарлар киради.

Ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлмаган асосий фонdlарга турар жой бинолари, клублар, болалар боғчаси ва ясласи, мактаблар, ҳаммом ва бошқа маданий - манший ҳамда медицина хизмати кўрсатишга мўлжалланган обьектлар киради. Моддий ишлаб чиқариш соҳасида ишлаб турган барча меҳнат воситаларининг бир қисми (машина, асбоб - ускунга ва мосламалар) ишлаб чиқариш жараёнида бевосита иштирок этади, иккинчи бир қисми эса ишлаб чиқариш бинолари, тўтон, канал, сув омборлари, йўл, электр тармоқлари қуриш учун шароит яратиб беради. Яна бир қисми меҳнат буюмлари ва тайёр маҳсулотларни асрараш ҳамда уларни бир ердан иккинчи ерга олиб боришга хизмат қиласди. Асосий фонdlарининг умумий миқдори ва тузилиши турли тармоқларда турлича бўлади. Асосий фонdlар мамлакат миалий бойлигининг асосий қисмини ташкил этади. 1967 йил январида собиқ Иттифоқ ҳалқ хўжалиги асосий фонdlарининг қиймати 337 млрд.. сўм, Ўзбекистон ҳалқ хўжалигига эса 8,5 млрд.. сўм эди. Асосий фонdlарининг миқдори ва сифат жиҳатидан такомилаштириш келажаги буюк давлатнинг моддий ва маданий фаровонлигини оширишнинг зарур шарти, улардан фойдаланишини яхшилаш эса, ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг муҳим омиллариdir.

МАВЗУ - 7 ТАБИЙ РЕСУРСЛАР ВА АТРОФ МУХИТ СТАТИСТИКАСИ

РЕЖА: .

1. Табиий ресурслар ва атроф мухит предмети ва вазифалари
2. Табиий ресурсларни классификациялаш
3. Ер ресурслари статистикаси
4. Фойдали қозилмалар статистикаси
5. Сув ресурслари статистикаси
6. Ўрмон ресурслари статистикаси
7. Атмосфера ва ҳавони қўриқлаш статистикаси
7. Табиий ресурслар ва атроф мухит статистикасининг бошқа бўлимлари

1. ТАБИЙ РЕСУРСЛАР ВА АТРОФ МУХИТ ПРЕДМЕТИ ВА ВАЗИФАЛАРИ

Инсониятнинг яшаш ва унинг хўжалик фаолияти учун энг биринчи муҳим шарт атрофидаги табиий мухитдир.

Ўзининг атроф мухитни ташкил этувчи компонентларидаги фаол меҳнати билан инсон ўсиб борувчи талабларини қаноатлантириш учун зарур бўлган моддий бойликлар яратади.

Аҳоли сонининг тўхтовсиз ўсиб бориши билан жамоат ишлаб чиқариш масштаби тез ортиши натижасида янги ресурслар вужудга келабошлайди.

Улардан фойдаланиш имкониятларини эса фан ютуқлари очиб беради. Бироқ, табиий атроф мухитини ташкил этувчи компонентлар ишлаб чиқаришнинг потенциал ресурслар бўлибгина қолмай аввал ҳаётний ресурслардирки, уларсиз (ёки уларни тубдан ўзгариши билан) ерда ҳаёт давом этиши мумкин эмас.

Инсониятнинг табиат устидан ҳар бир “ғалабаси” биринчи навбатда кутилган натижаларга олиб келади. Лекин иккинчи ва учинчи навбатда бутунлай кутилмаган, илгаридан ҳисобга олиш мумкин бўлмаган оқибатларга олиб келадики, кўпинча дастлабки натижаларни ҳам йўққа чиқаради.

Кўпинча айниқса ҳозирги замонда иккинчи оқибатлар аста - секин тўпланиб бориб, табиат комплекслари орасидаги мувозанатни бузиб, табиат компонентлари миқдори ва табиий сифатини ва улар орасидаги бузилган мутаносибликни тикловчи табиий меҳанизм фаолиятига тўсқинлик қиласди.

(Масалан: Орол фожиаси).

Табиатдан фойдаланиш яъни жамият ишлаб чиқариш билан атроф табиий ресурслар орасидаги ўзаро боғлиқлик, хўжалик фаолияти ва табиий ресурслар компонентлари орасидаги ҳаракат масштабини қатъий тартибга солиб туриш ва бу ҳаракатни хавфли чегарага яқинлашиб қолишига йўл қўймаслик мақсадида доимо жамиятнинг назорати остида бўлиши керак.

Акс холда табиат тизими мувозанатини бузилишини тузатиб бўлмаслик даражасига олиб келди.

Қисқа тарихий давр ичida (охирги 2 - 3 ўи йилликда) дунёning ҳамма ривожланган мамлакатларида табиатдан фойдаланишни йўлга қўйиш ва назорат қилиш тизимлари ташкил этилган.

Республикамизда табиатдан тўғри ва рационал фойдаланиш ва табиий ресурслар потенциалини сақлаб қолиш ва тиклаш мустақил давлатимиз тасаруфига олинган.

Давлат томонидан табиатдан тўғри фойдаланиш ва атроф мухитни сақлаб қолишини планли бошқариб бориш учун бу соҳада давлат фаолиятига мос келадиган кўрсаткичлар статистик тизимни талаб қиласди.

Табиий ресурсларни халқ хўжалиги оборотига киритиладиган иқтисодий ресурслар сифатида характерловчи кўрсат-

кичлар тизими статистикада илгаритдан мавжуд бўлиб, иқтисолий статистиканинг кўрсаткичлар тизимининг муҳим бўлагидир.

Табиатдан фойдаланишга янгича ёндашини табиий ресурслар статистикаси чегарасини, олдида турган вазифалари кўламини кенгайтириб юборди. Хозирги найтда табиий ресурслар ва атроф мухитни муҳофаза қилини статистикаси деярли янгидан ташкил этилди ва такомиллантирилмоқда.

2. ТАБИАТ РЕСУРСЛАРИНИИ КЛАССИФИКАЦИЯЛАШ

Табиатдан фойдаланишни рационаллаштириш нуқтаси назаридан ҳамма табиат ресурсларини иккита гурӯҳга бўлиш катта аҳамиятта эга.

1. Ўзгармас (янгиланмайдиган) табиий ресурслар: а) ер, б) фойдали қазилмалар.

2. Янгиланиб турадиган табиий ресурслар: а) сув, б) ҳаво, в) ўсимлик ресурслари, г) хайвонот ресурслари.

Биринчи гурӯҳ ресурсларидан кишилик жамияти томонидан мамлакат худудидаги мавжуд ресурслардан фойдаланиш мумкин ва ҳалқ хўжалигининг вазифаси - улардан тўлиқ ва эффектив исрофгарчилликни минималлаштириш, фойдаланиш йўлларидан танлаб олишдан иборатdir.

Шу нуқтаси назардан ёғоч материаллари ва нефт маҳсулотларидан ёқилғи (ўтин) сифатида фойдаланиш, юқори сифатли тупроқдан гишт учун ҳам ашъя сифатида фойдаланиш рационал фойдаланишга кирмайди.

Иккинчи гурӯҳ ресурслари табиий қайта тикланиш қобилиятига эгадир. Бироқ бу имконият чегаралангандир. Бу ресурслардан интенсив фойдаланиш, уларни шафқатсизларча исроф қилиш бу ресурсларни камбағаллаштириб (холдан тойдиди), фойдали хусусиятларини камайтириш мумкин (сув ва

ҳаво учун) ёки уларни бутунлай қирилиб кетишига олиб кела дил (ұсимликтар ва хайвонот дүнёси учун).

Иккала гурұх ресурслардан фойдаланишда уларнинг истемоли табиий ва инсоният томонидан янгиланиб туришига меёр долямо назорат остида бўлиши керак.

Ҳар бир гурұх ресурслари үзига хос хусусиятларини статистика масалалари (изланишлар) орқали аниқланади.

Ситатистиканинг ҳамма ресурслар учун умумий бўлган асосий вазифаси - бошқариш органлари, вазирликлар планлаштиришлари, илмий текшириш муассасаларини ҳар бир ресурсдан рационал фойдаланиш учун, уларни сақлаш ва сифатини тиклаш учун зарур бўлган аҳборотларни етказиб беришдан иборатдир.

3. ЕР РЕСУРСЛАРИ СТАТИСТИКАСИ

Ер ресурслари статистикаси - иқтисодий статистиканинг энг қадимги бўлимларидан биридир.

Унинг вазифасига ер фондини мамлакат ва худудлар бўйича яхлитлигича ҳисоблаш ва ундан фойдаланиш, уларни қўриқлаш ва яхшилаш меёрлари киради.

Унда у ёки бу хусусиятлари бўйича характерловчи асосий натурал кўрсаткичлар, ер майдонларини квадрат км. ларда ёки гектарлардаги ўлчовларидан фойдаланилади.

Мамлакат (вилоят, туман)нинг ҳамма худуди статистикасида ер фонди номи билан юритилади. Ер фонди умум ҳалқ мулки бўлиб, давлат тасарруфида бўлади.

Давлат ер фонди ҳар хил мақсадларга мўлжалланган ерлардан иборат: аҳоли пунктлари, давлат сув фондлари, давлат ўрмончилик фондлари, қишлоқ хўжалигига ажратилган ерлар, бозорга хўжалик тармоқлари билан банд бўлган ерлар (саноат,

транспорт ва х. к), қўриқхоналар, санатория ва дам олиш ўйлари учун ажратилган ерлар ва х. к. ҳамда давлат заҳира ерлари.

Қишлоқ хўжалигига ажратилган (яроқли) ерлар мулк сифатида ўрганилади. У мамлакат бутун-ер фондининг 27% ни ташкил этади (1987 йил маълумоти)

Статистика ер - мулқларини қўйидаги категорияларга ажратади: хайдаладиган ерлар; ўтлоқлар, пичанзорлар, боғлар, мевали дарахтлар, колхозчилар томорқалари, ишчи ва хизматчиларнинг шахсий ер участкалари.

Ер ресурсларидан раионал фойдаланиш статистик характеристикаларини такомиллаштириш учун асос “ер кадастрлари” ни (ер ҳақидаги маъумотлар тўплами) тузишdir.

Унда ҳамма ернинг сифати ва иқтисодий баҳоси характеристикалари батафсил ёритилган бўлади.

4. ФОЙДАЛИ ҚАЗИЛМАЛАР СТАТИСТИКАСИ

Фойдали қозилмалар мамлакат ишлаб чиқариш кучларининг муҳим элементидир. Ўзбекистон фойдали қозилмаларнинг улкан заҳираси мавжуд худудда жойлашгандир. Лекин, бу заҳиралар қанчалик кўп бўлмасин, улардан фойдаланилгандан кейин янгиланмайди. Шунинг учун улардан рационал фойдаланишда қатъй давлат назорати бўлмоғи зарур. Бу фойдали қазилмалар статистиканинг вазифаларини аниқлаб беради: ер ости бойликларининг мавжудлиги, фаолияти (харакати) ва ундан фойдаланиш меёрини ўрганади.

Статистика ҳар йилнинг бошида қозилма бойликлар мавжудлиги худудлар бўйича қидирилганлиги, қайта ишлаб чиқаришига тайёрлиги даражасини кўрсатаган холда хажм бирликларидағи (m^3 ёки тонналарда) ахборотларни ҳисобга олади.

Уларнинг қидириб топилганлик даражаси 4 гуруҳга бўлинади: А, В, С₁, С₂.

А - қидириб топилган, ер ости бойликларини, ер остида ётиш шароитларини, жисм шакли, тузилиши, табиий гуруҳи ва минерал хом ашъёнинг саноат навлари, фазовий жойлашуви, сифати ва бошқа омиллар, қозиб олиш шароитларини аниқловчи деталлари билан ўрганилган заҳиралар.

В - қозилма бойлик ер остидаги ётиш шароити асосий хусусиятларини кўрсатувчи ахборотлар, табий гуруҳи, минерал ашёнинг саноат навлари ва х. к. лар ўрганилиб, қозиб олиш шароитларини кўрсатувчи факторлари аниқланмаган ҳолдаги заҳиралар.

С₁ - қидириб топилган, ер остида ётиши умумий характеристикасини аниқловчи, унинг саноат нави, сифати ва технологик хусусиятлари ўрганилган заҳиралар.

С₂ - дастлабки маълумотлари баҳолангандан заҳиралар.

Фойдали қозилмалар заҳираларининг мұхим қўринишлари билан бир қаторда уларнинг гуруҳлари ҳам кўрсатилади.

Улар гуруҳларға физик хусусиятлари (қаттиқ, суюқ ва газ холида), тайинланиши (ёқилғи, металлургия хом ашъёси, химия, қурилиш материаллари), ер остида тарқалиб ётиши шароити ва қозиб олишнинг мураккаблик даражаси бўйича гуруҳларга ажратилади.

Ер ости бойликлари харакати статистикада баланс шаклида характерланади.

Унда йил бошидаги ер ости бойликларининг холати гуруҳлари ва кўришлар бўйича хажм бирликларида (m^3 ва тонналарда), уларнинг кўпайганлиги ёки озайганлиги ва нихоят йил охиридаги холати кўрсатилади.

Собиқ СССР даврида баъзи бир фойдали қазилмаларни олиш динамикаси.

	1940	1960	1970	1980	1985	1986
Нефт (газ кондесати билан бирга млн. Т.)	31,1	148	353	603	595	615
Газ млр. М ³	3,2	45,3	198	435	643	685
Кўмир млн. тонна	166	510	642	716	726	751
Темир рудаси млн. тонна.	29,9	106	197	245	248	250

5. СУВ РЕСУРСЛАРИ СТАТИСТИКАСИ

Сув - энг муҳим табиий компонентлардан бирики, усиз ер юзида хаёт бўлиши мумкин эмас. Сув бошқа атроф компонентлари билан чамбарчас боғланган бўлиб, табиятдаги умумий айланма жараёнларда актив иштирок этади. Ундан ташқари инсон сувдан гигиеник, майший талабларни қондириш учун истеъмол қиласи ва айниқса ундан саноатда кўпроқ фойдаланиди. Сув хавзалари кўпкина тирик мавжудотлар учун яшаш макони ва илгаритдан кишилар томонидан қулай транспорт магистрали ҳамда энергия манбаи сифатида фойдаланиб келинган.

Шунинг билан бирга инсонлар сув хавзаларини олдин майший (турмуш), сўнгра саноат чиқинидиларини қабул қиласиган манба сифатида фойдаландилар. Бутун дунёда дарё сувлари, кўллар ва денизларга катта миқдорда таркибида тирик организм учун заарли бўлган моддаларга тўйинган оқова сувлар оқизилмоқда. Кўпчилик ривожланган мамлакатларда сув шунчалик ифлосланганки, хатто уларда чўмилиш хавфлайдир. Кўпчилик мамлакатларда аллақачон тоза ичимлик суви танқислиги сезилмоқда.

Денгиз ва океналар ифлосланди. Сувнинг ифлосланиши хозирги пайтда энг долзарб проблемага айланиб қолди.

Сув хақидаги қонуниятларга асосан мамлакат худудидаги ҳамма сувлар давлат сув фондини ташкил этади. Үнга: дарёлар, күллар, сув омборлари ва бошқа ер усти сув ҳавзалари ва манбаълари, ер ости сувлари, худудаддаги денгизлар киради. Сув ресурслари статистикасининг асосий вазифалари сувларнинг турлари (ичимлик, техник ва х. к.) бўйича миқдори ва сифатини назорат қилиш, ифлос оқова сувларни сув ҳавзалари ва тупроққа сингиб кетишини назорат қилиш, шунингдек ифлосланган оқова сувларни сув ҳавзаларига тушишини камайтириш мақсадида тозаловчи иншооатларни қуриш ва улар технологиясини такомиллаштиришдан иборатdir.

Сув ресурсларининг заҳиралари статистикасида натурал кўрсаткичларда характерланади. Бунда икки жиҳат кўзда тутилади: турлари бўйича сув запаслари сифатида ва гидроэнергетика захираси сифатида хажм бирликларида (km^3) ҳисобига олинади.

Сув истеъмоли статистикада натурал кўрсаткичлар (km^3 , m^3) да ҳисобланади.

Шу ўриндә орол фожиасини эслатиб ўтиш ўринлиди.

Орол фожиаси оқибатлари хозирги пайтда давлат минтақа ва дунё фожиасига айланниб бормоқда.

Сув ресурсларидан фойдаланиш ва унинг холати ҳақидаги ахборотларини статистик анализи сув хўжалиги ва мелорация ташкилотлари томонидан ўтказилиб, назорат қилиб турилади.

6. ЎРМОН РЕСУРСЛАРИ СТАТИСТИКАСИ

Ўрмоңнинг аҳамияти табиий мухитни мухим компонентларидан бири сифатида жуда каттадир. У ернинг углерод ва кислород балансини аниқлайди, атмосферадаги иссиқлик циркуляциясига, ер ва сув ҳавзалари сиртидаги намлик захирасига таъсир қиласи, атмосферани зарарли аралашмалардан тоза

лашга имкон түгдиради.

Үрмонинг саноат хом ашъёси манбаъ, озиқ - овқат ва дори - дармонлар ресурси сифатида катта аҳамияти ҳаммага маълумдир. Ўрмон ресурсларини рационал бошқариш, уларни қўриқлаш, ўз вақтида ўрмонларни тиклаш ишлари муҳим халқ хўжалик аҳамиятига эгадир.

Ўрмон ресурслари статистикасининг вазифаси ўрмонзорлар сатхини, жойлашишини, сифатини, холатини, фойдаланишини қайта тиклаш, уларни сақлаш ва парваришлаш меъёрларини аниқлашдан иборатdir.

Ўрмон массивларини жойланиши шуқтai назаридан ва табиатни муҳофаза қилини функциясининг аҳамияти катталигидан улар уч гуруҳга бўлинади:

1 - гуруҳ: Қўриқхона, курорт, шаҳар ва саноат марказлари яшил зоналари, ихота ўрмонлари, дарёлар, кўл ва бошқа сув хавзалари бўйидаги сувларни муҳофаза қилиш ўрмонлари, темир ўйлар ва автомобил йўллари атрофидаги химоя қилувчи ўрмон поласалари, ёнгоқзор ва мевазорлар.

2 - гуруҳ: Ёш ва ўртача ўрмонлик аҳолиси қалин яшайдиган саноат районлари.

3 - гуруҳ: Саноат аҳамиятига эга бўлган ўрмонлар.

Ўрмон ресурсларининг харакати статистикасида баланс шаклида тасвирланиши мумкин.

Ўрмон кўчатлари захирасининг баланси қатор нисбий статистик қўрсаткичларни хисоблаш учун асос бўлади.

Бир йиллик ўрмон кўчатлари захирасининг баланси (минг м³)

Номи бўйича оғиз ўрмони и урмон гурӯйдари бўйича шахарни моддалари	Дар жон зарур лар	Табаки жон	Сифати бўйича шахарни моддалари					Ана норми га маддалар
			Киси	Балтимо тубан	Компакт шахарни моддани	Атмосфера ижаҳати ни ўчи ши	Башар ижаҳати ни ўчи ши	

7. АТМОСФЕРА ВА ХАВОНИ ҚЎРИҚЛАШ СТАТИСТИКАСИ

Шаҳарлар ва саноат марказларида атмосфера хавосининг ифлосланиши ҳозир дунёдаги долзарб проблемалардан бири-дир. Ҳар куни атмосферага иссиқлик энергетикаси, саноат ва транспорт воситалари томонидан юз миллионлаб тонна заҳарли моддалар чиқариб ташланмоқда.

Бу моддаларниң ҳар бири инсон хаётига у ёки бу дара-жада хавфлиди. Атмосфера бошқа табиат ресурслари компо-нентлари сингари тозаланиб (янгиланиб) туриш хусусиятига эга, бироқ, бу қобилият (имконият) чегаралангандир.

Агар атмосферага қўшилиб бораётган заҳарли моддалар миқдори унинг ўзини тозалаб туриш қобилиятидан ортиб кетса, ҳаводаги заҳарли аралашмалар шундай миқдорга етиши мумкин, у тирик жонзорлар фаолиятига сезиларли даражада таъсир қилиш, ундан кейин кўпайиши эса, тузатиб бўлмас ўзгаришлар келтириб чиқариши мумкин.

Атмосферанинг ифлосланиши нафақат инсон ва тирик организмларга салбий таъсир этиб қолмай, жамият яратадиган моддий бойликларни емириш, бинолар ва иншоатлар, йўл қопламлари, транспорт воситалари ва бошқалар хизмати мудда-тини қисқартириш ва оқибатда ҳалқ хўжалигига катта иқтисо-дий зарар етказиши мумкин.

Тоза хаво тирик жонзорлар нафас олишлари учунгина зарур бўлиб қолмай, у ҳалқ хўжалиги турли тармоқларида

фойдаланадиган мұхим ишлаб чиқариш ресурсы ҳамдир.

Хозирги давр ривожланған мамлакатларда атмосфера ифлосланиш даражаси ва хатто дүнё миқёсіда уни мухофаза қилишінің чоралари күришни талаб қылмоқда, чунки, хаво массасында чиқарыб ташланаётгандай захарлы моддалар учун ҳеч қандай миңлий чегара мавжуд әмас. (Чернобл фожиаси буның якын мисол бўла олади).

Мустақил давлатимиз олий мажлиси қабул қилаёттанды қонун ва қарорлари орқали атмосфера хавосини мухофаза қилинің фаолияти давлат бойынша оширилмоқда. Атмосфераны мухофаза қилинің давлат планын бойынша фаолияттандырылғанда атмосферадағы қызылордадан азрасынб қиындықтардан жарарлы чиқындылар миқдорини ўргаюн, чиқындыларни камайтын чоралары, уларга кетадиган сарф хараждатлар ва эффективтілігінің ўргаюнін анылыш қызын статистика вазифаларында киради. Хозирги найтда статистика амасиётіда ифлосланишін күрсатқычлар тизими ва атмосфера хавосиниң қўриқлашын характеристиковчы 4 гурӯҳ кўрсатқычлар мавжуд.

1. Атмосферага чиқарыб ташланаётгандай зааралы моддалар.
2. Атмосфера хавосиниң қўриқлаш тадбир - чоралари.
3. Атмосфераны мухофаза қилиніш иншоатлари ва қурилмалар учун кетадиган маблаглар.
4. Атмосфераны қўриқлаш фаолиятіні амалга ошириш учун кетадиган жорий сарфлар.

Атмосферага чиқарыб ташланаёттандыран саноат чиқындыларни миқдори иккі вариандаги натурал бирликларда характерленади: максимал - г/с ва жамланган - т/йил.

Зааралы моддаларни тутиб қолиш ва уларни заарасызлантириш имкониятини баҳолаш учун ташламаларни иккі, уюштирилган ва уюштирилмаган гурӯҳга бўлиш мумкин.

Атмосферага саноат ишлаб чиқарини маңбасыдан тру-
балар, вентиляциони ишиштартардан чиқарып ташланыётгани
захарлы моддалар ва х. к. лар ташкилланған гурухга киради.

Технологик жиҳозларнинг герметик эмаслиги ҳисобига,
газ чиқиндилари, резервуарлардан ва бошқа қаттиқ саноат
чиқиндиларидан чиқадиган араташмалар ташкилланмаган за-
харлы моддалар гурухына киради. Статистик ҳисоботларда йил давомида атмосферага чиқарып ташланыётгани захарлы моддалар
ва х. к. лар ташкилланмаган гурухга киради. Статистик ҳисоботларда йил давомида атмосферага чиқарып ташланыётгани захарлы моддаларини бетағиси ҳарактерловчи кўрсаткичлар катта аҳамият касб этади. Энг аввало ҳамма маңбасыдан йил давомида ажралиб чиқаётгани зарарлы моддалар (т/йил)
нинг умумий миқдори ҳисобига олинади.

Бу кўрсаткич саноат ишлаб чиқарини чиқиндилари йил давомида агар тоғалани ишиштартарни бўлмаганида ҳавога чиқи-
ши мумкин бўлган захарлы моддалар миқдорини баҳолаш им-
конини беради. Саноат ишлаб чиқарини умумий чиқиндилари билан ушлаб қолиниб, зарарсизланирилган захарлы моддалар орасидаги фарқ атмосфера ҳавосининг ифлосланишини баҳо-
лашда катта рол ўйнайди.

Собиқ СССР даврида стационар маңбасын чиқиндилари-
ни ишлаб (тутуб) қолини ва уларни зарарсизланириш ҳақидаги
маълумот.

	1982 й.	1983 й.	1984 й.	1985 й.	1986 й.
Газ ва чиг туткич қурилмаларни ишиштартар томонидан захарлы мод- далар тутуб қолинди. Млн. т.	197,1	200,8	205,9	209,3	207,7
Чиқинди моддалар умумий массан- дади % ҳисобига.	75	75	76	76	76

Халқ хўжалиги 70 йил ичидаги М. 1987 й. (манба)

Атмосферага чиқариладиган чиқиндиларни камайтириш чоралари тизими қуйидаги 4 - гурұх тадбирларини ўз ичига олади:

1. Кам чиқинди чиқарадиган ва ёриқ технологияларни ишлаб чиқариш ва уларни табиқ этиш, технологик жараёнларни такомиллаштириш.
2. Янги тозалаш иншоатларини қуриш.
3. Мавжуд chanгни тутиб қолувчи ва газ тозаловчи қурилмаларни эффективтини ошириш ва реконструкциялаш.
4. Атмосферани ортиқча ифлословчи цехлар ва ишлаб чиқариш муассасаларини шаҳардан ташқарига чиқариш.

Агрофирма ташкилотлари ва бирлашмалар (колхоз, совхоз ва бошқалар) фермер хўжаликлари, шунингдек, ёрдамчи хўжаликка эга бўлган айрим фуқаролар томонидан қишлоқ хўжалиги махсулотларини давлат буюртмалари ва тайёрлов ташкилотларига шартномада келишилган қатъий сотиб олиш баҳоларида давлатга сотиш жараёни яъни махсулотни пулга алмаштириш процесси қишлоқ хўжалиги махсулотларини етказиб бериш номи билан юритилади. Махсулотни маълум шартномалар билан етказиб бериш ва сотиб олиш жамиятда товар обороти формаларидан биридир. Улар давлатнинг тайёрлов ташкилотлари томонидан ташкил этилади.

Қишлоқ хўжалик ташкилотлари (колхоз, савхоз ва бошқалар) тайёрлов ташкилотлари билан ўзаро мажбуриятлар аксатдириладиган контрактатция шартномалари тузадилар.

Бу хужжатларда етказиб бериладиган махсулотларнинг миқдори ва сифати, етказиб бериш муддатлари ва сотиб олиш баҳолари ва х. к. лар кўрсатилган бўлади. Республикада хукумат томонидан қабул қилинаётган қарорларида хозирги замон (бозор иқтисоди) шароитлари талабларидан келиб чиқиб, қишлоқ хўжалиги махсулотларини тайёрлаш ва давлатга сотиш режалари қайта кўриб чиқилиб, сотиб олинадиган махсулотлар миқдори, сифати ва ассортименти кенгайитирилмоқда, қишлоқ хўжалигига алоҳида этибор берилмоқда.

Давлат буюртмалари ва сотиб олиш ҳисобига тайёрлов (етказиб бериш) системасига қишлоқ хўжалиги ташкилотлари билан давлат оператив ва стратегик озиқ - овқат резервлари, ем - хашак тайёрлаш ва техник хом ашёлар ишлаб чиқариш сфералари орасида воситачилик алоқалари функциясини бажради. Қишлоқ хўжалик иқтисодий механизмини етказиб бериш системасига тузатишлар, ўзгартиришлар киритади.

Махсулот етказиб бериш статистикаси қишилоқ хўжалик махсулотларини тайёрлов пункктларига келиб тушиши ва махсулот топширувчиларга пул тўловлари ҳисобини олиб боради.

1986 йилда ҳамма турдаги давлат тайёрлов пункктларига 78,8 млн. т. дон, 8,2 млн. т. пахта хом ашёси, 70,7 млн. т. қанд қизилчаси, 40 млн. т. га яқин картошка ва забзавот, 20 млн. т. тирик вазинда хайвон ва парранда гўшти, 78,1 млн. т. сут ва сут махсулотлари, 53,6 млд. дона тухум қабул қилинган.

Давлатта сотилган қишилоқ хўжалик махсулотлари учун колхоз ва савхозларга пул тўловлари 1986 йили 124 млрд. рубл, 1980 йилда 72 млрд. рубл ва 1970 йилда эса 49 млрд.. рублни ташкил этган.

Тайёрлов статистикаси қишилоқ хўжалиги махсулотлари етишириш режасини бажаришнинг боришини анализ қиласди, уларнинг сифатига характеристика беради.

Тайёрланган махсулотлар учун учёт натурал кўринишда одатда масса бирликларида олиб борилади.

Сотиб олинган махсулот нави индекси баҳоси ёрдамида ҳам баҳоланиши мумкин. У қўйидаги формула ёрдамида ҳисобланади:

$$J_{\text{сорт}} = \frac{\sum P^c q_\phi^c}{P \sum P_\phi^c}$$

Бу ерда P^c ҳарбир сортнинг харид (закупочный) баҳоси, q_ϕ^c ҳар бир сортнинг амалдаги (фактический) харид хажми.

$\bar{P}_{3,3}$ - сотиб олишнинг планли структурасидаги ($q_{n,i}^c$) ўртача харид баҳоси.

Тайёрлов статистикаси ҳар бир хўжалик ўрнини сотиб олган махсулотлар миқдорига қараб характерлаб беради.

Масалан: агар жамоат хўжаликлари ҳиссасига 100% дон тайёрлаш тушган бўлса, аҳоли ҳиссасига 25% картошка, 24 % жун тайёрлаш тўғри келади.

Тайёрлов статистикасининг муҳим вазифаси сотиб олинидиган махсулот динамикасини анализ қилишдан иборатdir.

Масалан: 1986 йилда 73,5 млн т тайёрланган бўлиб, у 1985 йилдагидан 7,2 % га кўп ва 1980 йилдагидан 14 % га кўпdir.

4. ТОВАР ОБОРОТИ СТАТИСТИКАСИ

Товаробороти - товарларнинг пулга алмашиши жараёнидир. “Товар - шундай буюмки, унинг хусусиятлари туфайли инсониятнинг қандайдир талаблари қондирилади” К.М.

Товар айланиши алоҳида сотиб олиш ва сотиш жараёнлари тўплами сифатида йигилади, шунинг учун статистика бирданига иккала жараённи - товарни сотиб олишини характерлайди.

Бинобарин, товар оборотида икки: “сотувчи ва харидор” яъни товар муамаласи жараёнининг икки қутиби қатнашади. Сотувчи сифатида давлат ва кооператив саноати, қишлоқ хўжалиги ва агрофирма ташкилотлари гавдаланади.

Чекланган масштабда якка ишлаб чиқарувчilar яъни ёрдамчи хўжаликка эга бўлган аҳолининг қисми сотувчи бўлади.

Харидор ким бўлиши мумкин? Биринчи навбатдан шахсий ихтиёжлар сферасини ташкил этувчи аҳоли, ундан кейин оммавий истеъмолчилар - ташкилотлар, муассасалар, шунингдек товарлар хом ашё бўлиб ҳизмат қиласиган саноат корхоналари ва ниҳоят воситачилик функциясини бажарувчи савдо ташкилотлари ва муассасалар ҳамда товарларни қайта сотувчilar харидор бўла оладилар. Шундай қилиб товарлар сотишининг этаплари ва бирқанча звеноларга эга бўлган анча мураккаб товар - истеъмол предметлари харакати (динамикаси)

системаси юзага келади.

Бу тизимда товарларни ишлаб чиқарувчилардан истеъмолчиларга етказиб берувчи савдо ташкилотлари асосий ўринни эгаллайди.

“Сотувчи - харидор” алоқадари комбинацияларига боғлиқ бўлган товар айланмасини қўйидаги класификацияларга ажратиш мумкин: ҳамма савдо - сотиқ тўплами ялпи товар обороти дейилади. Такрорий ҳисобдан холи бўлган, правард савдо товар айланмасига нисбатан бўгин (звено) коэффициенти дейилиб, у товарнинг ишлаб чиқарувчидан истеъмолчигача босиб ўтган бўгинлар сонини характерлайди, яъни у неча марта қайта сотилганини кўрсатади.

Товарларни савдо ташкилоти ёки муассаси, шунингдек улгуржи истеъмолчиларга сотиш улгуржи товар обороти дейилади. Товарларни аҳолига сотиш эса чакана товаробороти дейилади.

Товар айланмаси ва унинг қонуниятларини ўрганиш статистиканинг асосий вазифаларидан ҳисобланади.

Статистика товар обороти регионал тақсимоти, товар хажми, сатхи, структураси ва динамикасини ўрганади.

Товар обороти статистикасининг муҳим вазифаси давлат режилари бажарилишини анализ қилишдан иборатdir.

Товар айланмасида учта асосий форма ажралиб туради: давлат тасарруфидаги савдо айланмаси (бу бўгининг ҳиссасига товар массассининг 9/10 га яқини, чакана савдо бўгини ҳиссасига 70% га яқин), асосан қишлоқ худудларидағи кооператив савдосидаги товар айланмаси (чакана савдо оборотининг 1/4 ни ташкил этади), колхозлар савдодаги товарообороти (мамлакат товар айланмасининг 3% га яқин).

Давлат ва кооператив савдосидаги товарообороти, давлат томонидан режалаштирилади ва ташкилланган бозор категориясига киради, бевосита истеъмол талаби ва таклифлари

таъсирида шаклланувчи, маълум даражада стихияли харакат-лануви колхоз савдоси товарообороти ташкилланмаган бозор категориясига киради.

Товар айланмаси манзил (макон) бўйича қишлоқ ва шаҳар товарооборотларига бўлинади.

1987 йилда ҳамма савдо формалари бўйича сотилган товарлар 350,7 млрд.. рублни ташкил этди, жумладан давлат ва кооператив савдосида умумий овқатланишни ҳам қўшганда 341,5 млрд.. сўмлик товар аҳолига сотилган.

Улгуржи савдода товар айланмаси уларни савдо мақсади тайинланишига қараб, уч гуруҳга бўлган холда етказиб берилади: Аҳолига сотиш мақсадида етказиб бериладиган товарлар бозор фонди, қайта ишлаб чиқарувчи саноат ҳом ашёсини таъминловчи саноат қайта ишлаб чиқариш фонди, умумдавлат эҳтиёжларни қондириш (армия, давлат резерви, шифохоналар ва х. к.), экспорт талаби ва тури ташкилотларнинг товарларга бўлган эҳтиёжини қондирувчи нобозор фонди.

Товар муамаласига жалб этилган товар массаси харакат жараёни қўйидаги баланс (мувозанат) формуласи билан берилади:

$$Z_n + \Pi = P + Z_k$$

Бунда Z_n ва Z_k лар мос равища йил боши ва охиридаги товар заҳиралари, Π - шу даврда яратилган товарлар (поступление), P - реализация (сарфланган) товарлар миқдоридир.


Савдонинг бошқа турларида сотилган маҳсулотлар ҳам шунга киради.

Улгуржи балансларнинг асосий кўриниши - товар баланси ёки маҳсулотлар балансиdir.

Товар ўсиши (кўпайиши) пропорционаллиги эластиклик коэффициенти ёрдамида баҳоланиши мумкин.

Товар ўсиши темпи (даражаси)

$$\vartheta = \frac{\Delta Y}{\Delta X} \cdot \frac{X_0}{Y_0} = \frac{\Delta Y}{Y_0} : \frac{\Delta X}{X_0} = T_{\text{нр}y} : T_{\text{нр}x};$$



Бу ерда “y” - натижавий белги, (товар айланмаси) x - фактор белги (истемол товарлари ишлаб чиқариш ҳажми).

Товар обороти ўсиши $y = f(t)$ типидаги моделдан ибортдир. Бу формула кўп факторли регрессия методи товар айланниши динамикасига нисбатан қатор социал - иқтисодий факторлар ролини баҳолаш имконини беради:

Масалан: Аҳолининг сони, пул даромадлари, товарга бўлган тақлифлар ҳажми ва бошқалар юқорида келтирилган социал - иқтисодий факторлар жумласига киради.

Мисол тариқасида давлат кооператив савдода чакана товар обороти умумий ҳажми динамикаси моделини келтирамиз:

$$y_t = 198 + 11,42 \cdot t - 0,198 \cdot t^2$$

Товар обороти статистик анализда индекслар методига кўпроқ аҳамият берилади. У қандайдир давр ичida товар оборотининг ўзгариши ва унинг ривожланиш тезлигини аниқлашга имкон берилади.

$$\frac{\sum p_1 q_1}{\sum p_0 q_0} = \frac{\sum p_0 q_1}{\sum p_0 q_0} + \frac{\sum p_1 q_1}{\sum p_0 q_1}$$

қаралаётган йиллар	баҳоларга	товар обороти
баҳосидаги товар	нисбатан	баҳоланган
айланмаси индекси	физик товар обороти	факторлар б а ҳ о

Бундаги p_0 ва p_1 лар товарларнинг базис ва ҳисобот давридаги баҳолари, q_0 ва q_1 лар эса мос равишда сотилган товарлар миқдори.

Биринчи индекс товар пул алмашуви жараёнининг уч томонини акс эттиради: сотилган товарлар нархи ўзгаришини, савдодаги пул тушумлар (виручка) ўзгариши ва ис-теъмолчиларнинг товарлар сотиб олишдаги пул сарфлари (расходлари) ўзгаришини;

иккинчи индекс агар баҳолар базис даражасида қолганда товар айланмаси қандай ўзгаришини ифодалайди.

Масалан: икки ҳил, оқ - қора, рангли телевизор сотилмоқда. Биринчисининг баҳоси 3000 сўм, иккинчисиники 7000 сўм. Ҳисобот даврида базис баҳога нисбатан баҳолар ўзгармайди. Базис ва ҳисобот даврларида 8000 оқ - қора ва 2000 рангли телевизор сотилган. Ҳисобот даврида эса мос равишда 4000 ва 6000 дона телевизор сотилган. У холда физик хажми индекси

$$J_{\Phi.0} = \frac{300 * 4 + 7000 * 6}{3000 * 8 + 7000 * 2} = \frac{54000}{38000} = 1,421$$

Демак сотилган товарлар умумий сони ва баҳолар ўзгартмаган холда товар айланниши физик хажми 42,1% га ўсганини кўрсатади.

Яна товарооборотнинг абсолют ўсишини кўрсатувчи ва тушунтирувчи аддитив индекслар методи ҳам мавжуддир:

$$\Delta \sum pq = \sum p_1 q_1 - \sum p_0 q_0$$

Худди шунингдек миқдор фактори ўзгариши ҳисобига товар айланмасини кўрсатувчи

$$\Delta p q(q) = \sum p_0 q_1 - \sum p_0 q_0$$

Фактор баҳоси ўзгариши ҳисобига товарооборотнинг ўзгаришини кўрсатувчи индекслар мавжуддир:

$$\Delta \sum p q(q) = \sum p_1 q_1 - \sum p_0 q_1$$

5. ТОВАР ЗАҲИРАЛАРИ СТАТИТИКАСИ

Махсулотнинг товар муомаласига жалб қилинган момент билан уни истеъмол сферасига охирги марта сотиш моменти орасида маълум вақт ўтади. Бу давр ичида махсулот турғун холда мавжудлиги иккита бош сабабга боғлиқ бўлади: махсулот ишлаб чиқариши биланоқ уни реализация қилиш имконияти амалда бўлмайди. Товарлар келиши узилиб қолганда узулуксиз сотишга эҳтиёж чораси учун товар заҳираси зарур бўлади.

“Ишлаб чиқариш жараёни яъни чиқиш вақти билан истеъмол жараёни яъни кириш вақти орасидаги муддат давомида махсулот товар заҳирасини ташкил этади” К.М.

Товар заҳираси талаб ва таклифлар диспропорцияси вуждуга келганда ҳам юзага келади.

Бундан ташқари товар запасларига мавсумда махсулотлар тўпланиб қолишлари ҳам сабаб бўлади.

Товар заҳираларининг бир қисми етказиб берувчи (поставщик) ташкилотларда сақланади ва бир қисми йўлда транспортировка жараёнида бўлади. Товар заҳиралари айланма воситаларининг асосий қисмини ташкил этади.

1986 йилда моддий - техника таъминоти корхоналарида 66,8 % тайёрлов (заготовка) ва савдо сферасида 81,8 % товар заҳиралари бўлган. Улар нормаланади(меъёrlар), нормативга мувофиқлиги таҳлил қилинади, бу жараён товарлар заҳираси статистикасининг муҳим вазифасидир. Нормативлар савдо ташкилотлари томонидан мустақил ишлаб чиқилади. Товар заҳиралари статистикаси олдида қатор муҳим вазифалар турди:

Биринчидан, товарлар заҳирасининг учёти бу товар - моддий қийматлар сақланишини назорат қилиш имконини беради.

Иккинчидан махсулот заҳираларини товар ресурслари сифатида бир жойга тўпланиб қолиши ва улардан рационал фойдаланиш орқали товар оборотига маълум даражада таъсир

қишлиш имконини беради. Демек, захиралар хажмини ва харатини таҳлили товарларга бўлган талабларни қондириши жарёнини ўрганишга тааллуқлидир.

Учинчидан, товар захираси сифатида сақланиш вақтини таҳлил қишлиш, товарларни товар муомаласи иқтисодий эфективлигига таъсирини аниқлаш имконини беради.

Ва ниҳоят товар захиралари динамикасининг ва уларнинг нормативлардан оғишини (четланишини)нг анализи талаб ва таклифлар муносабатида силжишлар тўгрисида хукм чиқариш имкониятими беради.

Товар зиҳирасининг миқдори (ўлчови) ишлаб чиқариш хажмига ва товарларнинг сотилишига боғлиқдир. Албаттга, улар орасидаги боғланиш функционал бўлмай, корреляцион характеристига эгадир. Товар оборотининг ўзгаришини солиштириш учун товар айланмасини товарлар запаси билан таъминлаш деб аталувчи нисбий кўрстакиҷ тушунчаси киритилади. У мазкур товар захираси неча савдо кунига етишини аниқлаш учун имконият яратади.

Бу кўрстакиҷ ҳисобот даври охирида қолган товар захирасини бир кунлик товар оборотига нисбати каби аниқланади. Шу формула бўйича товар захиралари меъёри тузилади, шунинг билан бирга мавсумий ва узоқ муддатли товарлар сақланиши маҳсус нормалаштирилади.

1986 йили савдода товар захиралари 89,7 млрд. сўмни ташкил этган. Бу 1980 йилга қарагандо 34 % га ортиқ, 1970 йилга нисбатан эса, деярли икки марта кўпдир.

Товар муомаласидаги товарлар массаси узликсиз янгилашиб турилади, эски товарларни сотиш даражасида янги товарлар партияси билан алмаштириб турилади.

Товар муомаласи статистикаси икки хил кўрстакиҷ ёрдамида таҳлил ўtkазади: товар айланмаси миқдорини кўрсатувчи товар обороти тезлиги

$$C = \frac{W}{3}$$

Бу ерда W - товар обороти, 3 ўртача, товар захираси- давридаги ва товарлар муюмаласи вақти билан ўлчанувчи тес- кари күрсаткич. У товар захираси сифатида неча күн бўлиши- ни кўрсатади.

$$B = \frac{3}{w} t$$

Бундаги t - даврдаги кунлвар сони. Улар орасида

$$B = \frac{t}{C} \text{ ва } C = \frac{t}{B} \text{ муносабатлар ўринилдири.}$$

Товар айланмаси тезлиги динамикаси анализида индекс- лар методи кенг қўлланилади.

Товар обороти тезлиги динамикаси қўйидаги кўрсаткич- лар билан характерланади:

$$J_c = \frac{C_1}{C_0} = \frac{W_1}{3_1} : \frac{W_0}{3_0} = \frac{W_1}{W_0} : \frac{3_1}{3_0} = J_{t0} : J_{t3}$$

Хар бир товарга унинг транспортабеллик, сақлашга яроқлилиги, талаб ва х. к.хоссаларидан келиб чиқиб, ўзининг товарооборот тезлиги ҳисобланади.

Юқоридаги ($C = \frac{W}{3}$) формуладан $W_i = C_i 3_i$ муносабат

келиб чиқади.

У холда тўпламдаги i -чи товарлар учун умумий ёки ўртача теалик

$$\bar{C} = \frac{\sum W_i}{\sum Z_i} = \frac{\sum C_i Z_i}{\sum Z_i}$$

яъни арефметик ўрта қийматта тенг бўлади.

Шундай қилиб товар обороти тезлиги ўрта қиймати индекси

$$\frac{\sum C_i Z_i}{\sum C_{i,0} Z_{i,0}} : \frac{\sum Z_i}{\sum Z_{i,0}} = \frac{\sum C_i Z_{i,1}}{\sum C_{i,0} Z_{i,1}} \left(\frac{\sum C_{i,0} Z_{i,1}}{\sum C_{i,0} Z_{i,0}} : \frac{\sum Z_i}{\sum Z_{i,0}} \right)$$

бўлади.

МАВЗУ 10 ХАЛҚ МАОРИФИ ВА САНЪАТ СТАТИСТИКАСИ

РЕЖА:

1. Маориф, маданият ва санъат статистикасининг аҳамияти ва вазифалари.
2. Халқ маорифи статистикасининг кўрсаткичлари.
3. Олий ва ўрта маҳсус маълумотли кадрлар тайёрлаш статистикаси кўрсаткичлари.
4. Маданият ва санъат статистикаси кўрсаткичлари.

I. МАОРИФ, МАДАНИЯТ ВА САНЪАТ СТАТИСТИКАСИННИГ АҲАМИЯТИ ВА ВАЗИФАЛАРИ

Мамалакатнинг ижтимоий - иқтисодий ривожланишини жадлаллаштириш аҳоли билими даражасини доимий ошириб бориш, юқори малакали қадрларни тайёрлаш, маданий - маорифий муассасалар тармоқларини кенгайтириб бориш, кенг халқ оммасини маънавий хаётга эриштириш, дунё маданияти ва санъати дурдоналари билан таништириш орқали амалга оширилади.

Мустақил Ўзбекистон Олий мажлиси қатор қарорларида юқори малакали, маданиятли қадрларни жисмоний ва ақлий меҳнатга қобилиятли, халқ хўжалигида, давлат ва жамоат хаётининг турли соҳаларида, фан ва маданият соҳаларида актив фаолият кўрсатувчи кишиларни тарбиялаш ва тайёрлаш сиёсатини изчиллик билан олиб бормоқда.

Давлатимиз мустақиллигини мустахкамлаш ва яқин йиллар ичида жаҳондаги ривожланган мамлакатлар қаторига чиқиб олиш учун фан ва техника ривожланишини таъминлаш учун халқ маорифи системасини такомиллаштиришни ва санъатни ўзида мужассамлаштирувчи, республика аҳолиси дунёқарашини шакллантиришда бевосита таъсир кўрсатувчи ноишлаб чиқариш соҳалари статистикаси халқ маорифи, маданияти ва санъатини статистик ўрганиши. Бунг аввало улар составига кирувчи обьектлар ва тармоқлардан ҳар бирига аниқ таъриф берилишини тақозо этади. Шундай қилиб, халқ маорифи обьектлари:

1. Олий ва ўрта маҳсус билимли қадрларни тайёрловчи ўқув юртлари;
2. Қадрларни турли мутахассисликлари малакасини ошириш ва тайёрлаш билан шуғулланувчи билим масканларини;
3. Ҳамма кўрининцдаги билим масканлари;

4. Мактабгача болалар тарбияси билан шугулланувчи муассасалар;

5. Ота - онасиз қолған болаларни тарбияловчи муассасалардан иборатдир.

Маданият объектларига: Кутубхоналар, фильмлар ва фототекалар, музей ва виставкалар, клублар, мактабдан ташқари болалар тарбияси билан шугулланувчи ташкилотлар, ҳалқ университетлари, маданият ва истироҳат боғлари, ботаника боғлари ва ажойибхона (зоопарклар), телевидение ва радиоэшиттириш редакциялари киради.

Санъат объектларига: Ҳамма томоша муассасалари, кинотеатрлар, цирклар, концерт ва бошқа бирлашмалар киради.

Ҳалқ маорифи, маданият ва санъат статистикасининг асосий вазифасига юқорида эслатиб ўтилган тармоқларнинг мавжудлиги ва холати, мамлакат айrim худудларини улар билан таъминланиши, улар фаолиятини кузатиш ва назорат қилиш, маориф, маданият ва санъат муассасалари объектлари қурилишларининг боришини кузатиш ва назорат қилиш, таълим формалари ва турлари бўйича ўқувчилар состави ва сонини аниқлаш, маориф, маданият ва санъат муассасалари учёт ва ҳисоботлари холатини назорат қилиш, улар ахборотлари материалларини (маълумотларини) тахлил, қайта ишлаш ва болғалар киради.

2. ХАЛҚ МАОРИФИ СТАТИСТИКАСИННИГ КҮРСАТКИЧЛАРИ

Мактабгача тарбия статистикаси. Халқ маорифи системаси соҳасида тадқиқотнинг асосий обьекти бўлиб, аввало мактабгача тарбия болалар муассасалари - болалар боғчалари, яслилар, ясли - боғчалар (комбинатлар), болалар майдончалири ҳисобланади.

Статистика юқорида эслатиб ўтилган болалар муассасалари тармоқлари ҳақидаги, улардаги гурухлар сони, болалар сони ва ҳаракати ҳақидаги, мактабгача муассасаларига болаларнинг қатниши, йил давомида болаларда учраган касалликлар, болалар тарбияси билан бевосита шутгулланувчи мурабийлар, ходимлар ва бошқалар ҳақидаги ахборотларни таҳлил қиласди ва қайта ишлайди.

Ҳамма юқорида тилга олинган күрсаткичлар худудлар, шаҳар ва қишлоқлар бўйича алоҳида ҳисобланади.

Ҳамма юқорида тилга олинган күрсаткичлар худудлар, шаҳар ва қишлоқлар бўйича алоҳида ҳисобланади.

Умумтаълим мактаблари статистикаси. Мамлакатимизда хозирги пайтда жорий қилинган 9 йиллик тўлиқизз ўрта мажбурий таълим ва 12 йиллик умум таълим мактабларида ўрта маълумотни амалга оширишда халқ маорифи мактаблари асосий рол ўйнайди.

Мактаблар зиммасига нафақат талабаларга билим бериш, балки уларга меҳнат кўнималарини сингдириб, шахснинг хар томонлама ривожланишини таъминлаш, келажаги буюк давлатимизга муносиб кадрларни тарбиялаб етказиб беришдек маъсулиятли вазифа юклатилган.

Умумтаълим статистикасининг асосий күрсаткичларига қўйидагилар киради: ўқув масканларининг сони (турлари бўйича), улардаги ўқувчилар сони, қабул, битирув ва ўқишни битиролмай кетганлар сони, мактаб таълимига болаларни жалб қилиш кўрсаткичларининг даражаси ва х. к.лар.

Умумтаълим мактаблари учёти уларнинг турлари бўйича олиб борилади: бошлангич, 9 - йиллик (тўлиқсиз ўрта) ва 12 йиллик ўрта мактаблар, мактаб интернатлар, лицейлар, коллежлар, санатория - боғ мактаблари, ўрта мусиқа мактаблари, бадиний ва хареографик мактаблари, ақлий ва жисмоний заиф ўқувчилар мактаблари.

Ишчи - ёшлар учун (кечки ва сиртқи) умумтаълим мактаблари алоҳида ҳисобга олинади. Умумтаълим мактаблари таркибидан куни узайтирилган мактаблар ажратилиб олинади.

Мактабларнинг хар бир гурухи учун ўқув йили бошида ва охиридаги ўқувчилар сони уларнинг харакати ҳисобга олинади. Ўқувчиларнинг мактабдан чиқиб кетиши сабабларини мактаблар бўйича ва синфлар бўйича алоҳида кўрсатиш зарур.

Ўқувчилар сони учёти паралел равишда шаҳар хокимияти ва қишлоқ йигинлари ноиблари томонидан (7 ёшдан 16 ёшгacha) мактаб ёшдаги болалар рўйхатта олинади. Мактабларда ўқиётган болалар сони билан умумий мактаб ёшидаги болалар сони таққосланиб, мазкур худудда болаларни мактабга жалб қилиш даражаси аниқланади.

9 - ва 12 - синфларни битириувчилар сони билан мос равишда 9,12 йил илгари мактабга қабул қилинганлар сони солиштирилиб, уларнинг мактабни ўз вақтида битириб, тўлиқсиз ўрта ёки ўрта маълумот олиб чиқиши даражасини характерловчи кўрсаткич аниқланади.

Мактаб статистик ҳисоботи ва дастлабки учёти қўйидаги ахборотларни аниқлашга имконият беради: Ўрин миқдори ва ўқувчилар сони бўйича мактабларнинг катта - кичиклиги, синфларни ўқувчилар билан тўлиқ таъминлангани, ўқиш неча сменада олиб борилиши, ўқитиши қайси тилда олиб борилиши, предметлар бўйича ўқитувчилар тўлиқ таъминлангани, мактабнинг моддий базаси ва бошқалар.

Ўқитишининг сифатини баҳолаш учун ўзлаштиришни характерловчи кўрсаткичлар, ўқувчилаурнинг юқори синфларга кўчиб ўтиш коэффициентлари, синфда иккинчи йилга қолувчи ўқувчилар хиссасидан иборат кўрсаткичлардан фойдаланилади.

Умумтаълим мактаблари статистикаси билан бир қаторда хунар - техника билим юртлари статистикаси ҳам юритилади. Ўрта хунар - техника билим юртлари (ПТУ) ва мактаблар маълум мутахасисликага эга бўлган малакали кадрлар тайёрлашни амалга оширадилар ва шу билан бирга талабаларга ўрта маълумот ҳам беради. Улар асосан тўлиқсиз ўрта мактаблар битирувчилари ҳисобига шакилланадилар.

Бундан ташқари ўрта маълумотли ёшларни бир йил муддат ичида малакали ишчилар қилиб тайёрлайдиган хунар мактаблари ҳам мавжуд.

Статистика билим юртлари ва хунар мактаблари тармоқлари ҳақидаги ахборотларни йигади ва қайта ишлайди. Унда ўқувчилар сони, билим юрталри гурӯхлари ва хунар ўргатиш соҳалари, ўқувчиларнинг ёши ва хунар ўргатиш соҳалари, ўқувчиларнинг ёши ва жинси бўйича тақсимоти, ХТБЮ лари ўқувчиларнинг харакати, битирувчилар тақсимоти ва уларга ихтисослари бўйича берилган разрядлари кўрсатилиади.

3. ОЛИЙ ВА ЎРТА МАЪЛУМОТЛИ КАДРЛАР ТАЙ-ЕРЛАШ СТАТИТИКАСИ КЎРСАТКИЧЛАРИ

Халқ маорифи/системасида олий ва ўрта маҳсус билимли кадрлар тайёрлашни амалга оширувчи ўқув юрталри муҳим ўринни эгаллайди. Мамлакатимиз миқёсида “халқ хўжалиги тармоқлари” га қарашли олий маълумотли кадрлар тайёрловчи ўқув юртларига: академиялар (ўқув), университетлар (халқ университетлари) ва маданият университетларидан ташқари), институтлар ва консерваториялар, ўқиш охирида (правардида) олий маълумот берадиган олий мактаб ва билим юртлари (кечки ва сиртқи бўлимлар билан биргаликда) киради. Ўрта

максус билимли кадрларни тайёрловчи масканларга медицина, педагогика, мусиқа, театрал, хореографик, автомобиль ва йўл техникумлари ва бошقا (сиртқи бўлимлар билан бирга) училишалар киради. Бу соҳада статистиқанинг кузатиш бъекти бўлиб, ҳар бир мустақил ўқув юрти ҳисобланади.

Ҳар бир ўқув юргида олиб бориладиган дастлабки учёт асосида ҳар бир билим юрти ва унинг фаолиятини ҳартомонлама акс эттирадиган фактлар (далиллар) ётади.

Олий ва ўрта максус ўқув юртлари сонини уларнинг ўқитиши формалари (кундузги ва сиртқи) ни кадр тайёрланадиган хали хўжалиги тармоги бўйича тахлил қиласди.

Хусусан, саноат, қурилиш, транспорт, алоқа, қишлоқ хўжалиги, санъат ва кинематографиялар бир - биридан ажратилган холда тахлил қилинади.

Олий ва ўрта ва максус билим юртлари бўйича талабалр ва мутахассислиги кўрсатикичлари аниқланади.

Шунинг билан бирга қўйидаги мутахассисликлар гурӯхларига ажаратилади: геология ва фойдали қазилмаларни қидириш, энергетика ва металлургия, машинасоалик ва приборсозлик, электрон техника, электр асбобсоалиги ва автоматика, радиотехника ва алоқа, экономика, ҳуқуқ, сорлиқни сақлаш ва спорт, Университетлардаги мутахассисликлар, пединститутлардаги ва маданият, санъат олийгоҳларидаги мутахассисликлар.

Студентлар умумий сонини кундузги, иечки ва сиртқи бўлимлар бўйича ажратиб анализ қилинади.

Статистикада ҳар бир олийгоҳ ўқитишининг ҳамма шакллари ва мутахассисликлари бўйича мос равишда қабул ва чиқаришлар ҳисоби юритилади. Мамлакатимизда олий ва ўрта максус таълимни йўлга қўйиш мазкур олийгоҳларда аҳолининг ҳар 10000 кишига мос келадиган студентлар сони билан характерланади. Статистикада аҳолининг у ёки бу билим даржасини 10 ва ундан юқори ёшдаги ҳар 1000 кишига тўғри ке

ладиган у ёки бу маълумотли кишилар сони билан аниқланади.

Умумий аҳоли билим даромасини аниқлаш сингари эрик ва аёлтар учун, шаҳар ва қишлоқлар аҳолиси учун, жисмоний ва ақлий меҳнат билан шугулланаётган аҳоли қатлами учун алоҳида ўрганилади.

Бундай ташқари шу иўрсаткичларни ўз касби бўйича ишлабттанилар учун ҳам аниқлаш катта аҳамиятта әгадир.

Собиқ СССР ҳалилари билим даромаси иўрсаткичлари динамикаси.

	Хар 1000 кишига тўғри иеладиган олий ва ўрга (тўлиқ ва тўлиқ- сиз) маълумотли кишилар сони.	Шундан
		Олий ўрга (тў- лиқ ва тў- лиқсиз),
10 ва ундан юғори ёшдаги ҳамма аҳо- ли сони:		
1939 й.	108	8
1970 й.	483	42
1987 й.	708	90
Иш билан таъминланган аҳо- ли:		
1939 й.	123	13
1970 й.	659	65
1987 й.	889	125

(Манба СССР 70 йил ичидаги, 1987 й. 523 бет)

4. МАДАНИЯТ ВА САНЪАТ СТАТИСТИКАСИ КҮРСАТКИЧЛАРИ

Маданият ва санъат ривожланишида маданият ва санъат муҳим рол ўйнайди. Мамлакатимиз раҳбарияти инсоннинг ҳар томонлама ривожланишида маданият ва санъатнинг ролига катта аҳамият берилмоқда.

Маданият сфераси аҳолининг ўсиб борувчи турли катериядаги талабларни қондиришда, соглом эстетик дидни шакллантиришга давъват этилгандир.

“Манавиятни мустахкамлаш учун меҳнат ва маблагни алиш - ўз келажагига болта уриш демакдир. Ватан ва жаҳон маданиятининг, адабиёт ва санъатининг ютуқлари бир оиласга етиб бориш учун оиласинг моддий таъминланганидан қатий назар қулай шароитлар яратиш талаб этилади. Ижодий ходимларнинг маънавий кучига эркинлик бериш уларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш ҳам катта аҳамиятта эгадир.

Миллий маданиятнинг ўзига хослигини тиклашга алоҳида эътибор берилиши керак. Шу билан бирга миллий ўз - ўзини англапшнинг тикланиши жаҳон инсонпарварлик маданияти ва умумбашарий қадриялари идеалларидан, бизнинг кўпмиллатли жамиятимиз анъаналаридан ажралиб қолиш мумкин эмас” И.Каримов.

Бу вазифалар маданият ва санъат муассасаларига ва уларда ишлайдиган шахсларга, шунингдек оммавий ахборот воситаларига юклатилгандир. Булардан уларнинг фаолиятини статистик тахлил қилиш, ўрганиш зарурати келиб чиқади. Юқорида эслатиб ўтилганидек, маданият муассасаларига: кутубхоналар, музейлар, виставкалар (кўргазмалар), клублар, мактабдан ташқари тарбия масканлари, халқ университетлари, маданият ва истироҳат боғлари, ботаника боти ва зоопарклар, телевидение ва радио эшилтириш редакциялари, китоб палаталари киради.

Санъат муассасаларига театрлар, кинотеатрлар, концерт гурухлари ва колективлар ва цирклар киради.

Маданият ва санъат муассасалари соҳасида статистиканинг асосий вазифаси маданият ва санъат муассасалари, уларнинг худудлар бўйича жойлашишлари, аҳолининг ташрифи, уларнинг ҳалқа кўрсатаётган хизмати, уларнинг моддий базалари, бу муассасалар ходимларининг сони ва состави ва х. к.лар хақидаги ахборотларни қайта ишлаш ва тахлил қилишдан иборатдир. Манавиятни мустаҳкамлаш маданият ва санъат муассасалари тормоқлари ривожлантирилмоқда.

Муассасалар ичидаги китоблар ва вақтли нашриёт (босмахоналар) журналлар, газеталар ва х. к.ларга эга бўлиб, уларни аҳолига вақтинча фойдаланишга бериб турадиган кутубхоналар муҳим ўринни эгаллайди.

Собиқ СССР маданияти ва санъатимуассасаларининг сони (кўрсатилган йиллар охирида)

Муассасалар номи	1940 й	1960 й	1970 й	1980 й	1986 й
Оммавий библиотекалар	95,4	135,7	128,0	132	134,2
Клублар	118	128,6	134,0	137,0	137,6
Музейлар	991	929	1144	1526	2021
Театрлар (профессионал)	908	502	547	604	640
Киноустановкалар	28,0	103,4	157,0	152,6	152,7

(манба СССР ҳалқ ҳўжалиги 70 йил ичидаги 1987 йил 557 бет).

Кутубхоналар ўз фаолиятлари характери ва китоб фондлари состави бўйича оммавий, илмий, ўқув, техник ва бошқа мутахассисликдаги библиотекаларга бўлинади.

Оммавий кутубхоналардан фарқли ўлароқ, бошқа турдаги кутубхоналар ўқувчиларнинг кутубхона номи билан аниқловчи маълум контенгенти учун хизмат қиласди.

Илмий ва маҳсус библиотекалар қатори оммавий кутубхоналарнинг жамиятни маънавият ривожланишидаги ролини алоҳида таъкидлаш зарур.

Улар орасида республика, ўлка, вилоятлар, туман, шаҳар. Мустақил қишлоқ кутубхоналари, болалар кутубхоналари ажралиб туради. Кутубхоналарнинг ҳамма турлари бўйича статистикада қўйидаги кўрсаткичлар хисоби олинади: китоб ва журналлар сони, ўқувчилар сони, бир йилда янгидан қўшилиб турадиган китоб ва журналлар сони, библиотекарлар сони ва уларнинг состави (маълумоти, стажи ва х. К) ва бошқалар. Кутубхоналар ишини характерлаш учун:

1. Кутубхоналар сони (уларнинг китоб ва журнал фонди).
2. Битта библиотекага тўғри келадиган китоб ва журналлар сони.
3. Битта библиотекага тўғри келадиган аҳоли сони.
4. Киши бошига тўғри келадиган китоб сони.
5. Битта кутубхонага тўғри келадиган ўқувчилар сони.
6. Битта ўқувчига берилган ўртача китоблар сони.

Ниҳоят китоб фонди солмоги ва ўқувчилар сони бўйича кутубхоналар гурухларга ажратилади.

Кутубхоналарда ўтиказиладиган тадбирлар, филмо - ва фонотекалар, уларнинг фондлари, улар билан аҳолини таъминоти ҳақидаги ахборотлар йигилади ва таҳлил қилинади.

Маданият муассасалари иккинчи гуруҳига: Маданият уйлари ва саройлари, стационар ва кўчма клублар (автоклублар, вагон клублар ва х. к.), архитектор, актёрлар, журналистлар, кино, адабиёт, композиторлар, олимлар, журналистлар, ёш техниклар уйлари, чойхоналар, висиурсия бинолари ва бошилар киради.

Кутубхоналар структураси сингари клуб муассасалари статистикаси ҳам юқорида эслатиб ўтилган обьектларда клуб муассасалари сонини, корхоналар, идоралар ва маҳкамалар

бўйича ҳисобга олади ва улар фаолиятини тахлил қиласди. Турли клублар ташкил этилган кружоклар (тўғраклар) ва уларда иштирок этувчилар сонини ҳисобга олади. Клублар статистикасида уларда ўтказиладиган тадбирлар (лекциялар, сухбатлар, спектакл ва концертлар. Дам олиш кечалари ва х. к.), тингловчилар, ҳар бир тадбир иштирокчиларининг сони муҳим рол ўйнайди.

Худуд клуб ишлари статистикаси сингари мактабдан ташқари тарбия масканлари ўқувчилар уйи ва саройлари ёш техник натуралистлар уйи, болалар музика ва хореографик мактаблари ва бошқалар ишларини ҳам ҳисобга олади ва анализ қиласди.

Аҳоли орасида оқартув ишлари ва шахснинг манавий ривожланишида музейларнинг роли каттадир.

Қайсики у маданий мұассасаларда музей фондларининг турли экспонатлари аҳолининг кенг табақалари келиб кўрадилар. Музейлар экспонатларининг мазмуни жихатидан архетик-тура, геологик, илмий - табиий, тарихий, санъат, мемориал, тормоқлар ва бошқа музейларга бўлинади. Музейлар ишига турли саноат, қишлоқ ҳўжалиги қурилиши ва бошқалар ишлари ёндошади.

Музейлар ва кўргазмалар бўйича статистикада асосий кўрсаткичлар уларнинг турлари бўйича сони ва ташриф этган кишилар сони ҳисобга олинади.

Аҳоли мағкуравий - назарий билим даражалари ни ошириш ва маърифат ишларини амалга оширишда халқ уневирситетлари салмоқли ўринни эгаллайди. Улар маданият, иккимоий - сиёсий, иқтисодий, медицина, педагогик, ҳукуқ билимлари университетларига бўлинади.

Маданият мұассасаларининг бу гурӯх бўйича, уларнинг сони (турлари бўйича), улардаги тингловчилар сони, ўйитилаётган машғулотлар сони ҳисобига олинади.

Аҳоли бўш вақтларини кўнгилли ўтказишида маданият ва истироҳат боғлари ва кўчма атракционлар мухим рол ўйнайди. Бу гурӯхлар муассасаларида парклар сони, уларнинг майдони, бир йилда ташриф буюрадиганлар сони, ўтказилган тадбирлар сони ва мазмунлари ҳисобга олинади.

Худди шундай ҳисоб китоблар ва таҳлиллар ботаника боғлари ва зоопарклар статистикасида ҳам ўтказилади.

Юқорида эслатиб ўтилган маданият муассасаларига кира олиш (фойдаланиш) характеристикаси учун 100000 (ёки 10000) кишига тўғри келадиган муассасалар сони ва ҳар 100 аҳолидан ташрифлар сони кўрсаткичлари ҳисобланади.

Маданият муассасалари ичida радио, телевидение ва нашриётлар (босмахоналар)ни маҳсус гурӯхга ажратилади.

Маданият масканларининг бу гурӯхи статистикасида асосий ўрганиладиган объект бўлиб телевидение ва радиоэшилтиришлар комитетлари (вилоят, автоном республика), радио ва телемарказлар ҳисобланади.

Булардан ташқари статистика марказларида эшилтириш каналлари ва саотлар миқдори, эшилтиришнинг характеристи ҳам ҳисобга олинади. Оммавий информациялар воситаси бўлган нашриётлар фаолиятини ўрганишда газеталар, журналлар ва бошқа нашрлар редакциялари ҳисобга олинади.

Нашрётлар марказий, видоятлараро, ва вилоят аҳамиятига эга бўладилар.

Худди шунингдек улар китоб, газета, журналлар, почта, тасвирий санъат нашрётларига бўлинади.

Нашриёт (босмахона) статистикасининг асосий ўрганиладиган кўрсаткичлари: чиқарилаётган маҳсулотлар номлари сони, нечта бирлиги сони ва уларнинг тиражлари сони, печат бирлиги сони ва уларнинг тиражлари ва х. к.лар эътиборга олиниб ўрганилади.

Инсон маданияти мухим элементларидан бири санъат - жамоат онги формаларидан бири бўлиб, борлиқни бадиий об

разларда тасвирлайди.

Санъат жамияти хаётидаги, аҳолини бадиий ва эстетик тарбиялашдаги, унинг дунё қарашини шаклланишидаги тутган ўрни каттадир. Санъат кўпқирралидир. У ўз ичига адабиёт, театр, кино - санъати, хайкалтарошлиқ, тасвирий санъат, графика, архитектура, музика, рақс ва бошқаларни бирлаштиради.

Мустақил ҳуқуқий давлатимиз шаклланаётган хозирги пайтда санъатнинг бош вазифаси ҳалқимизга ўзлигини таништириш, маънавий - эстетик тарбия бериш, дунё маданияти ютуқларини сингдириш, шахсни хар томонлама - гармоник ривожлантиришдан иборатdir.

Санъат адолатли, тўғри, прогрессив идеалларни олға сургандагина ўз олдига қўйған вазифаларини муваффақиятли амалга ошириб, жамиятни олдинга қараб харакат қилишга эришилади. Тамоша муассасалари ичида мустақил балансда турган театр ижодий профессионал жамоалари етакчи рол ўйнайди. Театрлар стационар (гастроллардан ташқари доимий бинога эга бўлган) ва кўчама (доимий бинога эга бўлмаган) характеристерга эга.

Улар театр санъати жанри ва репертуарлари бўйича бир - биридан фарқ қиласидилар: опера ва балет, музикали комедия, драматик, болалар, ўсмир томашабинлар, қўғирчоқ театрларига бўлинадилар. Ҳалқ театри номига сазовор бўлган, мустақил ижодий жамоалар айниқса ажralиб туради. Статистика жанрлар бўйича театрлар сони, томоша залларидағи ўринлар сони, бир йиллик тамошабинлар сони, театрларнинг тўлиб туришлари, бир йилда баъзи спектаклларни қўйилиши сони, ҳар бир театр репертуаридаги спектакллар сони (битта театрга ўргачаси), театрлар ишчи ва ходимларининг сони ва состави, моддий базаси, молиявий натижалари ва бошқалар ҳисобига олинади.

**Ўзбекистон театрлари ва уларга ташрифлар
динамикаси**

	1980	1985	1986	1987	1988	1989	1990
Театр (проф) сони жумладан:	28	30	31	31	31	32	33
Опера ва балет	2	2	2	2	2	2	2
Драма, мусиқалий-комедия	20	20	21	21	21	21	22
Болалар ва ёш томошаб.	6	8	8	8	8	9	9
Берган концертлар. минг	13,0	13,8	14,5	14,3	14,3	13,0	12,7
Битта театрга ўртacha	436	460	468	461	460	405	384
Томошабинлар сони. минг	458 4	480 3	494 6	490 1	467 8	438 7	432 8
Уртacha битта театрга	164	160	160	158	151	137	131
Битта спектакалга ўртacha	354	348	341	343	328	338	341

1990 йилда театрлар 2000 000 қишлоқ аҳолига хизмат кўрсатди.

Худди шунингдек статистик ҳисоботларни цирклар ва турли концерт трупалари ва жамоалар (филармония, эстрада, раңс ансамбллари ва х. к.) бўйича ҳам олиб боради.

Статистика у ёки бу жамоалар составини турли белгилар (жинси, ёши, иш стажи, маълумоти, фаолият турлари ва х. к.); томошалар сони бўйича ўрганади.

Санъатлар ичida энг оммавийси кинодир. Статистикада бирнечча заллари бўлган кино - театрлар ҳам биттага ҳисоб қилинади. Кино санъати муассасалари учун асосий кўрсаткичлар: шаҳар ва қишлоқ жойларидағи стационар ва кўчма кинолар

сони, киносеанслар сони, киносеансларга ташрифлар сони ва х. к.лар ҳисобланади.

Ўзбекистондаги ҳамма киноустановкалар сони ва ташрифлар динамикаси

	1980	1985	1986	1987	1988	1989	1990
Киноустановкалар	529	617	640	646	645	637	616
сони	3	8	1	5	6	4	9
Жумладан: стацио-	402	472	489	495	509	492	476
нар	3	3	6	5	8	1	1
кўчма	127	145	150	1510	135	145	140
	0	5	5		8	3	8
Шаҳарларда:	144	139	147	1501	150	1511	146
	3	8	9		9		8
стацио-	105	1315	138	140	1411	1373	133
нар	6		9	8			3
кўчма	87	83	90	93	98	138	135
Қишлоқларда:	415	478	492	496	494	486	470
	0	0	2	4	7	3	1
стацио-	296	340	350	354	368	354	342
нар	7	8	7	7	7	8	3
кўчма	1183	137	1415	1417	126	1315	127
	2				0		3
Ташрифлар сони.	175	192	167	164	161	149	142
млн							
шахарда	89	97	90	88	88	81	78
қишлоқда	86	95	77	76	73	68	64
Киши бошига таш-	11	11	9	9	8	7	7
риф							
шахарда	14	13	11	11	11	10	9
қишлоқда	9	9	7	7	6	6	5

Жадвалдан 1940 йилларга қараганда 80 йилларда кинога киравчилар сони камайгани кузатилмоқда. Бунга телевидение-нинг ривожланиши асосий сабаб бўлади. Статистик кузатишлар натижасида ҳар 1000 кишига тўғри келадиган ўрин, 1000 аҳолига тўғри келадиган ташрифлар сони, 1 кишига киносеансларга ташрифлар сони аниқланади.

Аҳолига хизмат қилаётган маданият ва санъят муассасалари имкониятларини тўғри баҳолаш учун бу муассасалар моддий базасини, уларда банд бўлган ходимлар сони ва составини аниқлаш зарурдир.

Умуман маданият ва санъят статистикасининг ахборотлари анализи жамиятнинг манавий ривожланиши, шахснинг хартомонлама гармоник ривожланиши, оиласининг мустаҳкамланиши, шарт - шароитларини тўғри акс эттиришга йўналтирилган бўлиши керак. Статистик таҳлил правардида қўйидаги саволларга жавоб беради:

Аҳоли манънавий эҳтиёжларини тўлиқ қондириш учун, уларнинг дунёқарашини шакллантириш учун, бу соҳада қандай ютуқлар ва камчиликлар мавжуд ва камчиликларни бартараф этиш йўллари қандай ва нималар қилинмоқда?

Бундай саволларга маданият ва санъят муассасалари фаолияти устида бир вақтда ўтказилган тадқиқотлар, шунингдек аҳоли жамоат фикрини ўрганиш асосида жавоблар топиш мумкин.

Ўзбекистон халқ маорифи. Бозорнинг ўзгарувчан шароитларида меҳнат қилишга лаёқотли бўлган ўзимизнинг юқори малакали маҳаллий кадрларимизсиз Ўзбекистоннинг мустақиллигини тасаввур қилиш қийин.

Нафақат умумий маълумот ва тарбияни, балки кадрларнинг касб - корига йўналиш олишини, уларни таёrlаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ўз ичига олувчи ягона

узулуксиз миллий таълим тизимини яратиш вазифаси қўйилмоқда.

Бунда Ўзбекистоннинг ўзига хос хусусиятлари халқининг миммлий - руҳий турмуш тарзи, таълимдаги бутун жаҳон ва шарқ тажрибасини энг яхши ютуқлари ҳар томонлама эътиборга олинниши керак. Олий ва ўрта маҳсус таълимнинг бутун тузулишини тубдан қайта қуриш, талабалар ўқийдиган мутахассисликлар таркибини жиддий ўзгартириш керак. Ўқув юртларининг янги янги шакллари - гимназиялар, лицейлар, коллежлар ривожланди.

Малакали ишчи кадрлар тайёрлаш тизими янги хусусиятларга эга бўлади. Иқтидорли ёшларни хорижий мамлактларнинг етакчи ўқув, илмий марказлари ва фирмаларига ўқишга ва стажировкага юборишга муҳим аҳамият берилади” И. Каримов.

Ўзбек халқи маданияти ва маорифи тараққиёти кўп асрлик тарихга эга. Илгари Ўзбекистон тереториясида диний - мусулмон ўқув юртлари, айниқса, бошлангич маъумот берувчи эски мактаблар кенг тарқалган. 20 - асрнинг бошида Туркистон ўлкасида таҳминан 5 мингта яқин эски мактаб мавжуд бўлган.

Мадрасаларда одатда ўқиши муддати 10 - 15, баъзан 20 йил давом этиб. Араб ва форс тилларида ўрта аср диний китоблари, дунёвий фанлар ҳам ўқитилган. Қориҳоналарда асосан Қуръон суралари ёдлатиб, қорилар тайёрланган.

XIX асрнинг 80 - йилларида Ўзбекистоннинг хозирги тереториясида рус - тузем мактаблари очилиб, уларда махаллий халқ болалари ҳам таълим олган. 1881 - 1914 йилларда 160 рус - тузем мактабида 18 минг ўқувчи, жумладан 5 минг махаллий миллат болалари ўқиган, XX аср бошларида махаллий миллат болалари учун янги усулдаги мактаблар ташкил топа бошлади. 1911 йилда 63 янги усул мактабларида 4016 ўқувчи ўқиди. Бундан ташқари Туркистон ўлкасида ўқитувчилар се-

минарияси, ҳунар мактаби, гидротехника мактаби, темир йўл техника билим юрти, токчилик мактаби каби ўрта маҳсус ўқув юртларида 500 га яқин киши ўқиган.

Аммо улар орасида маҳаллий миллат вакиллари оз эдти.

Подшо хукумати маҳаллий ҳалққа нисбатан реакцион йўл тутди, миллий маданиятнинг ривожланишига тўсиқлиқ қилиб келди. Туркистон ўлкасида ҳалқ маорифи учун жуда оз маблағ ажратилар эди. 1915 йили ҳалқ маорифи учун ўлка умумий бюджетининг 2,3 % сарфланган бўлса, полицияни таъминлаш ва ҳарбий маҳкамалар учун 86,1% сарфланган.

Подшо хукуматининг бундай “маърифатпарварлиги” туфайли саводхонлик 3,6 % га етган холос. (1897 й.)

Махаллий миллат болаларининг мактабгача бўлган тарбияси учун ўқув тарбия ва маданий маориф муассасалари бўлмаган.

Кейинчалик рус тузем мактабларининг тарқиий парвар ўқитувчилари маҳаллий аҳолини рус ҳалқининг илмий ва маданий ютуқлари билан таништириш борасида маданий - оммавий ишлар олиб бордилар.

Собиқ совет хокимиятининг дастлабки йилларида ҳалқ маорифининг ривожланишига маҳаллий аҳоли орасида педагог кадрларининг камлиги катта тўсиқлар қилди.

Саводсизликни тугатиш бўйича маориф ҳалқ комиссарлигига фавқулодда комиссия, шунингдек, мактаб ва пунктлар тузилди. 1924 - 25 ўқув йили 1000 дан ортиқ саводсизликни тугатиш мактабларида 200 мингдан ортиқ киши савод ўрганди. 1939 йили 9 ёшдан 49 ёшгача бўлган аҳоли орасида саводхонлик 78,7 % (1970 йили 99,7 %) га етади.

Таълим тарбия мазмуни, ўқув тарбия иши ва дарсликлар тузиш борасида қизғин иш олиб борилади.

Махаллий зиёлилардан Ҳамза, С.Айний, Абдулла Авлоний, Абдуқадир Шакурий, Қ Ниёзий ва бошқалар ҳалқ мао-

рифи маданий қурилишда фаол олиб бордилар.

Таълим тарбия Улугъ Ватан урушидан сўнг янги босқичга кўтарилиди. Ўзбекистон халқ маорифи системаси мактабгача ёшдаги болалар тарбияси, ўрта умумий таълим, профессионал - техника таълимини ўз ичига олади.

Ўзбекистонда Умум таълим мактаблари ва улардаги ўқувчилик сони.

	1940/41	1965/66	1970/71	1976/77
Барча турдаги умум таълим мактаблар	5448	8566	9179	9498
Ўқувчилик сони (минг киши)	1315,1	2433,0	3270,2	3789,9
жумладан: 1- 3 синфларда	574,1	1156,5	1637,6	1879,3
4 - 8 синфларда	20,5	35,04	471,4	742,5
9 -10 (11) синфларда	20,5	350,4	471,4	742,5

Мактабгача ёшдаги болалар тарбияси. Халқ маорифи системасининг бошлангич звеноси ҳисобланган мактабгача ёшдаги болалар тарбияси муассасалари (ясли, болалар боғчаси, ясли - боғчалар) 7 ёшгача бўлган болаларга мўлжалланган.

Мактабгача болалар тарбияси муассасалари шунингдек (уларнинг рухсати билан), давлат корхоналари, муассаса ва ташкилотлар томонидан ташкил этилади.

1978 йил охири республикада 5934 доимий мактабгача ёшдаги болалар муассасаси, жумладан 1689 болалар боғчаси, 3985 болалар ясли - боғчаси, 260 болалар яслиси ишлади.

Уларда 706,5 минг бола, жумладан болалар боғчасида 161,9 минг болалар ясли - боғчасида 518,5 минг, болалар яслисида 26,1 минг бола тарбияланади. Тарбиячи ва раҳбарлар

педагогика билим юртида тарбияланади.

Мактабгача ёшдаги болалар тарбияси муассасаларига Ўзбекистон маориф вазирлиги педагогик рахбарлик қилади ва уларни кадрлар билан таъминлайди. Болаларни даволаш профилактика ишлари билан соғлиқни сақлаш муассасалари шугулланади.

Умумий ўрта таълим олишнинг асосий шакли умумий таълим мактаби бўлиб, у дастлабки меҳнат ва политехника мактаби сифатида тараққий этади. Политехника ва меҳнат таълими ўқувчиларнинг фан асосларини эгаллаши шунингдек, синфдан, мактабдан ташқари ишлар жараёнида амалга оширилади. Мамлакатнинг қитисодий ва маданий жиҳатдан ўсиши билан ўқув юргларининг типлари ва структураси, ўқиш муддати, умумий ва профессионал таълим орасидаги ўзаро алоқадорлик шакллари каби масалајар бўйича мактаб системасида ўзгаришлар юз бериб туради.

1921/22 ўқув йили ўлқадаги 2403 мактаб ва болалар муассасаларида 170 мингдан ортиқ бола таълим олди.

1924 йили Ўзбекистондаги 908 мактабда 75,1 минг ўқувчи ўқиди. Кейинги йилларда умумтаълим мактаблари тармоғи яна да кенгайди. Қишлоқларда 3 йиллик бошланғич мактаблар ташкил этилди.

1924 29 йилларда мамлакатда мактаблар сони уч баробар кўпайди, ўқувчилар сони 2,5 баробар кўпайди.

1940/41 ўқув йили 1 - 3 синф ўқувчилари 698,4 минг, 4- 8 синф ўқувчилари 574,1 минг кишига етди.

Улуг Ватан уруши даврида Ўзбекистондаги мактаблар тармоғида ўзгаришлар юз берди: кичик мактаблар сони камайиб, 7 йиллик ва ўрта мактабалар сони ортди 1944/45 ўқув йилида 7 йиллик мактаблар сони 1910, ўрта мактаблар сони 852 га етди.

1959 йилда 7 йиллик таълим ўрнига 8 йиллик умумий мажбурий таълим жорий қилинди ва бу жараён 1962 йили туралланди.

1956/57 ёқув йилидаги республикада дасталабки мактаб - интернатлар ташкил этилди. 1975/76 ўқув йилида Ўзбекистондаги барча турдаги 9458 умум таълим мактабларида 3 млн 875,8 минг ўқувчи, жумладан 2034 ўрта умумий таълим ишчи ёшлар мактабида 216,7 минг ўқувчи, жисмоний ва рухий нуқсанли болалар учун ташкил этилган интернат типидаги 67 маҳсус умумталим мактабларида жами бўлиб 18,4 минг ўқувчи таълим олди.

1977 йили 8 - синфни тугатган ўқувчиларнинг 98,8% ўрта маълумот берувчи билим юртларида таълимни давом этирди.

